

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ХИДОЯТОВА ДИЛАФРУЗ АБДУГАФФАРОВНА**

# **ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ**

**ТОШКЕНТ 2015**

**Такризчилар:**

**Ш.Пахруддинов** – А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ “Маънавият ва маърифат” кафедраси профессори, сиёсий фанлар доктори.

**А.Пазилов** – Сирдарё вилояти ПКҚТМОИ ректори, биоло-гия фанлари доктори, профессор.

**Хидоятова Д.А.**

Интерфаол методлар / услубий қўлланма / Д.Хидоятова. – Тошкент: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2015. – 44 б.

Ушбу ўқув қўлланма педагог кадрлар малакасини ошириш курсларида, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда бошқа таълим муассасаларида ўқув машғулотлари жараёнида интерфаол таълим методларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик ва амалий тавсияларни ўз ичига олган. Турли фанларга тегишли мисоллар билан бир қаторда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш дарсларига тегишли мисоллардан кўпроқ фойдаланилган.

Педагог ходимлар, талабалар ва илмий тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Қўлланма кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими профессор-ўқитувчилари, таълим муассасалари раҳбарлари, фан ўқитувчилари ҳамда илмий-тадқиқотчиларга амалий қўлланма вазифасини ўтайди.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ Илмий кенгашининг 2015 йил \_\_\_ октябрдаги (\_\_\_-сонли баённома) қарори билан нашрга тавсия этилган.

## СЎЗ БОШИ

Республикамизда таълим тизимини замонавий даражада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қаторида таълим жараёнида ҳозирги энг илғор шакл ва усуллар, замонавий инновациялардан фойдаланишни кенгайтириб бориш алоҳида ўрин тутади.

Таълим соҳасидаги инновациялар орасида интерфаол таълим ўзига хос ижобий сифатларга эга бўлганлиги туфайли, турли фанлар педагоглари томонидан амалиётга жорий этиб борилмоқда. Ҳозиргача интерфаол методлар ва улардан фойдаланиш масалаларига бағишлаб кўп адабиётлар нашр қилинган. Шунга қарамай мазкур масала бўйича кўпгина ҳал этилиши лозим бўлган, ўз ечимини кутаётган бир қанча илмий-назарий, методик ва амалий муаммолар мавжуд эканлиги маълум.

Шу муносабат билан яратилган ушбу ўқув қўлланма интерфаол таълимнинг айрим илмий-методик масалаларига бағишланган. Унда интерфаол таълимнинг тарихига доир ҳамда Марказий Осиёда яшаб ўтган йирик мутафаккирларнинг педагогик қарашларида интерфаол таълим усуллари билан боғлиқ жиҳатлари умумий тарзда кўриб чиқилган. Таълим-тарбия соҳасининг турли даврлардаги ривожланиш босқичларида ўзига хос кўринишлардаги интерфаол таълим методлари шаклланиб ва ривожланиб келганлиги ёритиб ўтилган.

Малака ошириш жараёнида интерфаол таълим методларидан фойдаланиш юзасидан амалий тажрибалар асосида тавсиялар берилган. Таълим моделлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Интерфаол таълим жараёнини ташкил қилиш, олиб бориш, раҳбарлик қилиш ва бошқаришда энг асосий омил сифатида мулоқот, шахслараро коммуникация усуллари ва улардан илмий педагогик, психологик хулоса ва тавсияларга мувофиқ самарали фойдаланиш энг жиддий, аслида эса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шуларни ҳисобга олган ҳолда интерфаол таълим жараёнидаги коммуникация усуллари кўриб чиқилган ва бунда тинглаш жараёни ва унинг самарадорлигини ҳал этувчи масалалар бирмунча батафсил баён қилинган.

Шуунингдек, интерфаол машғулотни ташкил қилиш ва унда ўқитувчининг роли, серқирра вазифаларини амалий тажрибалар асосида илмий таҳлил қилиб, керакли тавсиялар кўрсатиб ўтилган. Бунда ўқитувчининг интерфаол машғулотлар учун ўйинларни ишлаб чиқувчи (ўйин техниги), унинг консультанти, интерфаол ўйинлар ташкилотчиси, коммуникатор, фасилитатор, психолог сифатидаги вазифаларни бажаришга қаратилган фаолиятига тегишли зарур илмий-методик тавсиялар атрофлича баён қилинган.

Юқорида айтиб ўтилганларга мувофиқ равишда интерфаол методлардан амалда фойдаланиш юзасидан бир қанча намуналар келтирилган. Бу намуналар ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курсларида ҳамда амалиётчи ўқитувчилар томонидан ўз касбий фаолиятлари давомида кўплаб марта синовлардан ўтган тажрибалар асосида ишлаб чиқилган. Бунда турли фанларга тегишли мисоллар билан бир қаторда таълим рус тилида олиб

бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш дарсларига тегишли мисоллардан кўпроқ фойдаланилган.

Ушбу ўқув қўлланмадан фойдаланувчилар ундан ўзлари учун зарур маълумотлар ва «Методик қутича»ларини бойитиб ола билдилар деб умид қиламиз. Унга тегишли фикр ва мулоҳазаларни муаллиф миннатдорлик билан қабул қилади. Интернет манзилимиз: [mehrim2@yahoo.com](mailto:mehrim2@yahoo.com)


## ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТАРИХИДАН

«Интерфаол таълим» тушунчаси ҳозирги педагогик жараёнда кенг қўлланилаётган янги атамалардан бири ҳисобланади. Педагогик лексиконга у 90-йилларнинг охирларида кириб келди.

Бу атаманинг педагогик жараёнда пайдо бўлишининг бир нечта эволюцион ривожланиш даврларини тадқиқотчилар талқин қилишади.

Илмий адабиётларда тадқиқотчилар «интерфаол таълим» тушунчаси ҳамда интерфаол таълим усуллариининг педагогик жараёнда қўлланиши кенгайиб боришини 1990 йилларнинг ўрталарида Интернет тармоғининг ривожланиши билан боғлашади.<sup>1</sup>

Бунда ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, компьютер техникасининг ривожланиши натижасида унинг таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланилиши ҳамда турли даражалардаги ахборот манбалари, шу жумладан, Интернет тармоғининг таълим-тарбия соҳасига жадал кириб келиши жиддий аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаш лозимки, Интернет тармоғи таълим-тарбия учун зарур ахборотлар билан бирга, айнан таълим-тарбия соҳаси учун зарарли бўлган ахборотларнинг манбаи бўлиб қолмоқда. Бундаги энг асосий боғлиқликни қўйидаги схема кўринишида тасвирлаш мумкин(1-расм).



1-расм. Инсонинг компьютер билан муносабати схемаси.

Немис тадқиқотчиси Ганс Фриц 1975 йилда «интерфаол педагогика» атамасини тарғиб қилиб, бу фанни педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ўзаро фаолиятига қаратилган мақсадли жараён, деб таъриф беради.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Капранова, Е. А. Интерактивное обучение: концептуальные подходы/Е.А. Капранова// Вестник Полоцкого государственного университета. - 2012. - № 7)

<sup>2</sup> Иванова, О.В. Проектирование интерактивной визуальной системы обучения инженерной и компьютерной графике / О.В. Иванова // Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Междунар. заочной научно-практ. конф., 20 ноября 2010 г. / НИИ педагогики и психологии; редкол.: М.В. Волкова [и др.]. – Чебоксары, 2010. – С. 136-142.

1980 йилларнинг бошларида эса, гуруҳли диалогли шаклда ўзлаштиришга йўналтирилган фаол (интерфаол) методларни педагоглар томонидан амалиётда қўллай бошланди. Расмий равишда таълим усуллари фақат анъанавий ва фаол таълим усуллари деб белгилаш бошланган эди.<sup>3</sup>

1980-йилларнинг охирига келиб бир қатор муаллифлар, жумладан, В. В. Гузеев, М. В. Кларин, Е. С. Полат, В. А. Сластенинлар таълимнинг нафақат пассив ва фаол, балки интерфаол моделларини ҳам ажратиб кўрсатишади.<sup>4</sup>

XX асрнинг 60-70-йилларида ахборот ва компьютер технологияларидан интерфаол таълим доирасида фойдаланиш ва масофавий таълим назарияси пайдо бўлди. ЮНЕСКО институтининг В. Кинелев, Пит Коммерс, Б. Коциклардан ташкил топган илмий-тадқиқот жамоасининг фикрича, компьютердан таълим бериш воситаси сифатида фойдаланиш ғояси уларнинг пайдо бўлиши билан бирга бошланган. 1970 йилларда электрон ўқитувчи вазифасини бажарувчи биринчи дастурлар пайдо бўлган. Бу мутахассис ва янги келган ишчи ўртасидаги интерфаол диалогли дастурлар кўринишида бўлиб, мутахассис янги ишчининг камчиликларини тўғирлаб бориши талаб этилган. 1980 йилларнинг бошларида эса, таълим беришда компьютер ёрдамида мураккаброқ дастурлар тизими ишлаб чиқарила бошланди.<sup>5</sup>

Интерфаол таълим методлари, яъни билимларни ўргатиш ҳамда ўрганиш жараёнида таълим берувчи ҳамда таълим олувчиларнинг ўзаро фаолликлари ва бундай фаолликнинг аҳамияти, шундай жараённи ташкил қилиш, такомиллаштириш, назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш масалаларига қадим замонлардан бошлаб буюк мутафаккирлар, устозлар ўз шогирдлари билан машғулотларда, ҳозирги даврларда эса, педагог олимлар ўз тадқиқотларида, ҳамда амалиётчи педагоглар ўз амалий фаолиятларида жиддий эътибор бериб келмоқдалар.

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ**

Абу Али Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида ёш болаларни туғилганидан бошлаб вояга етгунича маълум тартибда тарбиялаб бориш лозимлигини айтади. Мактабда болаларни қандай ўқитиш ва нималарни ўқитиш ҳамда ўқитиш усуллари ҳақида ҳам муҳим фикрларни олға суради. У болаларни якка тартибда ўқитишдан кўра жамоа тартибида ўқитишни афзал деб билади ва бу усулнинг устунлиги ҳақида шундай деб ёзади: “Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўз билимлари билан гурурланадилар, бир-бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Гурур ва

---

<sup>3</sup> Можар, Е. Н. Стимулирование учебно-познавательной активности старшеклассников средствами интерактивного обучения: дисс. канд. пед. наук: 13.00.02.- Минск, 2006. - 218 с)

<sup>4</sup> Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебн. пос. / Е. С. Полат, М. Ю. Бухаркина, М. В. Моисеева, А. К. Петров /Под ред. Е. С. Полат. — М.: Издательский центр "Академия", 1999. — 224 с.

<sup>5</sup> Кинилев, В. Использование информационных и коммуникативных технологий в среднем образовании. Информационный меморандум / В. Кинилев, Пит Коммерс, Б. Коцик. - Москва.: Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании, 2005. - 240 с. -13 с.)

Ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди. Ўқувчилар бирга бўлганларида доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар”.

XV асрда Самарқандда Мирзо Улуғбек «Академия»га асос солди. Бу ҳақда тарихчи олим Валтер «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва фалақийтшунослик жадвалларини тузишда иштирок этди», деб ёзган эди.

Улуғбек Академияда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг математика, фалақийт ва тиббиёт фанлари бўйича қобилиятларини ривожлантиришни муҳим вазифа деб баҳолаган. У ҳар бир кишининг ахлоқий камол топишида унинг бошқалар билан **ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги ва дўстлиги етакчи роль ўйнайди** деб ҳисоблаган. Шунингдек, Улуғбек болаларнинг баркамол инсон бўлиб етишиши учун уларни ўқитиш ва тарбиялаш зарурлигини, турли билимларни ўрганишда қизиқтириш кераклигини қайд қилган. Болаларни ўқишдан совишига сабаб, аввало, ўқитувчилардаги разолат эканлигини, бундай ўқитувчилар яроқсиз усуллар билан ёшларнинг билим олишга қизиқишини сўндириши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиячи аввало ўзини тарбиялаши, яъни билим ва маҳоратини муттасил ошириб бориши лозим.<sup>6</sup>

Юқорида айтилганлардан кўришиб турибдики, таълим жараёнида фаоллик, яъни айнан таълим олувчиларнинг ҳамда таълим берувчининг ўзаро фаоллиги, уларнинг ўзаро ҳамкор, ҳамфикрлиги ҳал қилувчи омил сифатида алоҳида таъкидланмоқда. Булар ҳозирги кундаги интерфаол таълим методларининг ўша замонлардаги кўринишларини яққол ифодалайди.

Интерфаол таълим тушунчасининг асосий маъноси ўзбек тилида «ўзаро фаоллик», «ўзаро таъсир» маъноларини билдиради. Бу маъно-мазмундан келиб чиққан ҳолда ўзаро фаоллик ва ўзаро таъсир асосида ташкил этилган педагогик жараён борасида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абдулла Авлонийнинг асарларида билдирилган фикрлар бу усулларнинг дидактик имкониятларини ёритиб берган.

---

<sup>6</sup> О.Хасанбоева, Ж.Хасанбоев, Ҳ.Ҳомидов. Педагогика тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. 312 б.

## МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ

Малака ошириш жараёнида интерфаол таълимни жорий этиш – педагог кадрларнинг узлуксиз таълими жараёнида ўқитувчилар малакасини ошириш тизими учун энг муҳим усуллардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ўқитувчи ўз соҳасининг билимдони бўлибгина қолмай, балки билимга чанқоқ ўқувчилар аудиториясига ўз билимини етказиш бўйича мутахассис бўлиши талаб қилинади. Таълим бўйича янгиликлар орасида интерфаол ёндашувдан фойдаланиш ўқитувчилар малакасини оширишни янада такомиллаштиришга энг самарали ҳисса қўшаётганини тасдиқловчи кўплаб тадқиқотлар натижаларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида катта ёшдагилар таълими (андрогогика) педагогикасига хос қонуниятларга мувофиқ тингловчилар (ўқитувчилар)ни фаол жалб этиш натижасида улар янги материални ўзлаштиришга тез киришадилар, уни тушуниб ва эсда сақлаб қоладилар. Шу асосда, бугунги кунда малака ошириш жараёни билан боғлиқ асосий методик инновациялар интерфаол ўқитиш усуллари орқали акс эттириляётгани сир эмас.

Бунда машғулот давомида ҳар бир тингловчининг жараёнда объект вазифасини бажаришига эришиш мақсадида муваффақиятли методлардан фойдаланиш ва тингловчиларни мотивациялашга, яъни машғулотдаги ҳар бир бериляётган материални қизиқиш билан қаршилашга ва олдиндан белгиланган мақсадга эришишга асосий эътибор қаратилади. Бу барча талабларга эришишда интерфаол ўқитиш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Интерфаол ўқитиш усулларида фойдаланишга асосланган таълим жараёнида истисносиз барча ўқитувчи-тингловчилар ўрганиш жараёнига жалб этилади. Биргаликдаги фаолият ҳар бир тингловчининг индивидуал фикри, билими, ғояси ва иш усуллари, тажрибаларини ўзаро алмашиш деган маънони англатади. Бу жараён тингловчиларни индивидуал, жуфтликда, гуруҳларда, жамоада ишлаш шакллари ёрдамида ташкил этилади. Интерфаол методлар биргаликдаги фаолият, тингловчиларнинг фаолликлари, гуруҳ тажрибасига таяниб иш кўриш, ҳамкорлик ва албатта қайта алоқа каби тамойилларга асосланади. Буни машғулотда очиклик, иштирокчиларнинг ўзаро фаолликлари, фикрларнинг тенглиги, ўз билим ва тажрибалари билан ўзаро алмашинув, ўзаро баҳолаш ва назорат қилиш муҳитини яратиш асосида ташкил этилади.

Интерфаол таълим методларига асосланган ўқув машғулотларида ўқитувчи тингловчиларга янги билимларни беришда уларни мустақил қидириб топишларига кўмаклашади. Фаол ўқитувчининг вазифаси, тингловчиларнинг ташаббусларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади. Ўқитувчи ўқув жараёнида ахборотни етказиб берувчи эмас, балки янги ахборотларни қабул қилишга кўмаклашувчи вазифасида



хизмат қилади. Бу эса, катта ёшдагилар таълими (андрогогик) жараёнида жуда қўл келадиган ва самара берадиган вазият ҳисобланади. Малака ошириш жараёнида тингловчиларни материалларни фаол ўзлаштиришга йўналтиришни бир неча таълим моделлари ёрдамида ташкил этиш мумкин. Масалан, экстрафаол (пассив), фаол(ички), интрофаол, интерфаол. Қуйида ана шу таълим моделлари ва уларнинг ўзига хосликларини кўриб чиқамиз.

Экстрафаол (ташқаридан фаол) таълим – машғулотда ўқитувчининг етакчи бўлишига асосланган таълим модели бўлиб, унда тингловчилар ўрганиш талаб этиладиган назарий билимларни ўқитувчининг бераётган ахбороти, унинг томонидан узатилаётган маълумот ҳамда адабиётлар асосида ўзлаштирадilar.


Бундай таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик кузатилмайди, тингловчиларда машғулотга нисбатан қизиқиш ва рағбат (мотив) деярли мавжуд бўлмайди. Лекин шунга қарамасдан, у бир неча афзалликларга эга, бунда ўқитувчи чекланган вақт доирасида ахборот ва материалларни нисбатан катта миқдорда тақдим этиши имконияти яратилади. Бу жараёнда ўқитувчи тингловчиларга қуйидаги схема тарзида таъсир кўрсатади (2-расм).



2-расм. Таълимнинг пассив (экстрафаол) модели

Таълим амалиётида экстрафаол таълим модели узоқ йиллардан буён қўлланиб келинади ва анъанавий характер касб этган.

Фаол (ички) таълим – бунда тингловчи берилган вазифаларни мустақил равишда бажаради, ижодий изланади ва мавжуд билимларни ўзлаштиради. Бу таълим моделида тингловчиларнинг мустақил таълим олишлари учун қулай имконият яратилган бўлса-да, бироқ уларнинг ўқитувчи билан ўзаро ҳамкорликлари кўзга ташланмайди (3-расм).




3-расм. Таълимнинг фаол (ички) модели

Таълим жараёнида ўқитувчи ва тингловчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тингловчиларнинг мустақил билим олишлари қай даражада тўғри ташкил этилаётганлигини кузатиш, назорат қилиб бориш, йўл-йўриқ кўрсатиш, зарур ўринларда педагогик ва методик маслаҳатлар бериш таълим самарадорлигини таъминловчи омилдир.


Интрофаол (ташқарига фаол) таълимда асосан тингловчиларнинг “Менинг фикрим”, “Мен кимгадир таълим беришим мумкин” мазмунидаги ёндашувлари кузатилади. Бунда таълим жараёни тингловчилар томонидан

ташкил этилади, улар бир-бирларига ўз фикр, хулосаларини ўргатадилар. Бунда ўқитувчи ташкилотчи, бошқарувчи, эксперт ва кузатувчи вазифасини бажаради, холос. У ҳатто айрим ҳолатларда “тингловчи”га ҳам айланиб қолиши мумкин (4-расм).



4-расм. Таълимнинг интрофаол (ташқарига) модели

Интерфаол (ўзаро фаол) таълимда ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида, шунингдек, тингловчиларнинг ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик юзага келади. Бу ҳамкорлик ўқув материални ўзлаштириш, назарий ва амалий билимларни бойитишга хизмат қилиб, шу билан бирга, муаммоли вазиятларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлабгина қолмай, таълим жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро психологик яқинлик ва бирликни ҳам юзага келтиради. Ўқитувчи ва тингловчиларнинг биргаликдаги ҳамкорлик ҳаракатлари, ўзаро таъсирлари ва ҳамижодкорликлари таълим жараёнида қўлга киритилувчи барча муваффақиятлар учун асос бўлиб хизмат қилади (5-расм).



5-расм. Таълим беришнинг интерфаол модели

“Интерфаол” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, (“inter” – ўзаро, “akt” – фаол ҳаракат, фаоллик, таъсирчанлик) ўзаро ҳаракат, биргаликдаги фаолият маъноларини англатади. Ўзаро, биргаликдаги фаолият жараёнида ўқитувчи-тингловчи, тингловчи-тингловчи орасида таълим мақсадларига эришиш йўлида ташкил этилувчи ҳамкорлик кузатилади. Интерфаол методлар ёрдамида уюштирилладиган машғулотларда тингловчилар ўз фикр, хулосаларини бир-бирларига ўргатадилар ҳамда бошқаларнинг фикр, хулосаларини ўрганадилар, улар маълум даражада ўқитувчига, гуруҳ эса ягона, ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат жамоага айланади.

Шунга асосан ўқитувчи билан тингловчилар, шунингдек, тингловчилар билан тингловчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик юзага келишини таъминловчи таълимий фаолият интерфаол таълим деб юритилади. Интерфаол таълимда ўқитувчи ва тингловчилар, ҳамда тингловчилар

ўртасида юзага келувчи ўзаро муносабат, одатда, у ёки бу муаммони қай тарзда ҳал этиш, қарорлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларнинг илгари сурилиши ва якуний қарор қабул қилиш бўйича мунозара шаклида намоён бўлади.

Интерфаол методлар турли масалалар ва ўзаро муносабатларнинг кенг қатламини ўз ичига олади. Бироқ материални самарали ўзлаштириш йўллари қандай бўлишидан қатъий назар, тингловчиларнинг шахсий тажрибалари таълимнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Интерфаол таълим жараёнида тингловчилар қуйидаги мулоқот жараёнларида ўзаро муносабатда бўладилар:

1) ўқитувчи билан (яъни тингловчи ўқитувчи томонидан берилган саволга жавоб қайтараётганда);

2) тингловчилар билан (жуфтлик асосида ишлаш);

3) кичик (3-5 нафар тингловчидан иборат) гуруҳларнинг аъзолари билан;





4) катта (6-9 нафар тингловчидан иборат) гуруҳларнинг аъзолари билан (ролли ўйинлар ўйнаш, дебат, давра суҳбати, мушоира, мунозара ва бошқаларда иштирок этиш);

5) тингловчилар жамоалари билан (кичик илмий изланишларни олиб бориш, ижтимоий топшириқларни бажариш жараёнида);

6) таклиф қилинган шахслар билан (тингловчилар маълум соҳада фаолият юритаётган бирор ташкилот ёки жамоа аъзолари билан мулоқот қилишлари мумкин);

7) айрим техник воситалар (масалан, компьютер, теле ва аудио аппаратлар, видео камералар, слайдлар, кино-проекторлар ва ҳоказолар).

Юқорида сўз юритилган моделлар бўйича ташкил этиладиган таълимнинг моҳияти умумий ҳолда б-расмдаги схемаларда янада яққол кўзга ташланади:

Таълим бериш моделлари	Схема	Ўқув жараёнининг моҳияти
Экстрафаол (ташқаридан) таълим		Мени кимдир (нима биландир) ўқитади
Фаол (ички) таълим		Тингловчининг фаоллиги, мустақиллиги таъминланган бўлса-да, бироқ ўқитувчининг иштироки кузатилмайди
Интрофаол (ташқарига) таълим		Ўқувчининг тингловчига таълим беради (мен кимгадир таълим бера оламан)
Интерфаол (ташқаридан ва ташқарида ўзаро ўрин алмашган ҳолда) таълим		Ўзаро ҳамкорликда таълим олиш

б-расм. Таълим бериш моделлари схемаси ва уларнинг асосий моҳияти

Шуни ёддан чиқармаслик лозимки, тингловчиларнинг сони таълим ёки ўзаро муносабатнинг сифати ҳамда самарадорлигини белгиламайди. “Ўзаро ҳамкорлик”нинг муҳим жиҳати унинг юзага келиши бўлиб, у асосида тингловчилар муайян фан асосларини мустақил, бир-бирлари билан ўзаро фаол муносабатда ўзлаштириш кўникмаларига эга бўладилар.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда экстрафаол, фаол ва интрофаол таълим жараёнларига интерфаол методларнинг татбиқ этилиши уларнинг самарали кечишини таъминлаш билан бирга, замонавий таълим учун ўта муҳим саналган ўзаро ҳамкорлик асосида таълим олиш учун маълум шароитларни вужудга келтиради. Интерфаол шаклда ташкил этилувчи таълимнинг самараси жуда юқоридир. В.В.Монахов бундай таълим бериш шаклининг асосини ташкил қиладиган 4 та тамойилни ўз таърифларида белгилаб берган, булар, **биринчиси**, қулай шароит (ўқитувчи ва тингловчи учун), **иккинчиси**, ҳамкорлик (ўқитувчи билан тингловчи ва тингловчи билан тингловчи орасидаги ўзаро ҳамкорлик), **учинчиси**, барча деталларни ўйлаб чиқиш (ташкил этилиши режалаштирилган таълим жараёни бўйича) ва

**тўртинчиси**, аниқ лойиҳага (шу таълим жараёнининг) асосланишдан иборат. Бу тамойилларга қўшилган ҳолда яна бир нечта тамойилларни ҳисобга олиш бу жараённинг янада самарадор бўлишига олиб келади. Булар,

• тингловчиларнинг ўз имкониятларини юзага чиқаришларига имконият яратиш,

• мотивацияларини аниқлаш ва ошириш,

• ўрнида рағбатлантириш,

• албатта қайта алоқани юзага келтириш.

Бундан келиб чиқадики, интерфаол таълим – таълим олиш жараёнининг махсус моделидир. Ундан кўзда тутиладиган аниқ мақсадларни олдиндан белгилаб қўйилади. Бу мақсадлар таълим учун қулай шароитни яратиш орқали тингловчида ўз муваффақиятини, ўз интеллектуал салоҳиятини сездириш орқали таълим жараёни самарадорлигини ошириш натижасида муаммоларнинг ечимини излаш йўллари топиш ва уларни тингловчилар онгида мустаҳкамлашга қаратилади.

Бошқа сўз билан айтганда, интерфаол таълим - аввало, ўзаро мулоқот орқали ташкил этиладиган таълим, унда тингловчилар ўзаро бир-бирлари билан ва тингловчилар ўқитувчи билан ўзаро фаол мулоқотни ташкил этиб фикрлар жўшқинлиги ва тўқнашувлари натижасида ахборотларни ўзлаштириш жараёндир.

## **5. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМДА КОММУНИКАЦИЯ УСУЛЛАРИ**

Интерфаол таълим жараёни мулоқот, яъни коммуникацияга асосланади. Унинг асосий унсури бу коммуникациядир. Коммуникацияни самарали ташкил этиш ҳам интерфаол таълим муваффақиятининг бир асосий бўлаги ҳисобланади. Бунда ўқитувчи самарали коммуникацияни ташкил этишнинг бир нечта қоидаларига риоя қилиши зарур. Бу қоидалар орасида самарали тинглаш қоидаси алоҳида ўрин тутди. Шунини ҳисобга олган ҳолда ушбу қоида ҳақида тўхталиб ўтамиз.

### **Самарали коммуникациянинг самарали эшитиш қоидалари:**

1. Сўзловчининг айтаётган гапларини эшитишингиз учун қулай шароит яратинг. Сўзловчининг сизга гапириши мумкинлигини хис этишига ёрдам беринг, унинг учун қулай шароит яратинг. Телефони ўчиринг. Сизга ҳеч ким ҳалақит бермайдиган жой танланг.

2. Фаол позани эгалланг. Гавданинг ҳаракати миянинг иш фаолияти билан ўзаро боғлиқдир. Агар гавда фаол ҳаракатланса, мия ҳам шундай ҳаракатланади. Акси бўлганда эса, гавда ҳаракати секинлашади ва миянинг фаолияти ҳам сустлашади.

3. Дикқатингизни сўзловчига қаратинг. Бу ҳолатда тинглаш, диққат қилиш осон. Четга ёки ерга қаралса, хавфли вазият туғилади, бизнинг фикрларимиз нигоҳимизни таъқиб қилиши мумкин. Сухбатдош билан визуал

алоқани ўрнатинг, бироқ унга тикилиб қараманг (гоҳида бу душманлик деб қабул қилинади.)

4. Эшитишни хоҳлаётганингизни кўрсатинг. Қизиқаётганлигингиз туриши керак. Сизнинг ҳолат ва ишораларингиз суҳбатдошингизни тинглаётганингизни билдириб туришига эришинг. Суҳбатдошингиз диққат билан эшитадиган киши билан мулоқот қилишни хоҳлаётганини унутманг.

5. Сўзловчига барқарор эътиборда бўлинг. Қоғозга ҳеч нарса чизманг, бармоқ ёки ручка билан тақиллатманг, қоғозни шитирлатманг. Ҳар қандай чалғитадиган ҳаракат - столга қараш, ўзингиз билан олиб келган қоғозга назар ташлаш - диққатни сўзловчи билан бегона предметлар ўртасида бўлишга мажбур қилади.

6. Тинглаш ва эшитиш керак. Суҳбатдошингиз нима ҳақида гапираётганига диққатингизни жамланг. Фикрларнинг "чалғиши"га йўл кўйманг. Сўзловчининг фикрини тушуниш учун эшитишга ҳаракат қилинг.

7. Эшитиш жараёнини мантиқан режалаштиринг. Бизга гапирилаётган гапларнинг хаммасини эслаб қолиш қийин, лекин асосий фикрларни эслаб қолиш шарт.

8. Суҳбатдошингизнинг ҳис-туйғуларини тушунишга ҳаракат қилинг. Нафақат сўзларнинг маъносини, балки суҳбатдошнинг туйғусини ҳам тушуниш зарур. Кишилар ўз фикр ва туйғуларини қабул қилинган ижтимоий меъёрга мувофиқ "кодланган" ҳолда узатишларини ёдда тутинг.

9. Кузатувчан бўлинг. Ҳиссий мулоқот мулоқотнинг катта қисмини эгаллагани учун сўзловчининг новербал сигналларини кузатинг.

10. Мулоқотга масъул бўлишдан қочманг. Мулоқотда икки киши қатнашаётгани учун у икки ёқлама, шунинг учун тингловчи ролини улар галма-гал эгаллашади. Суҳбатдошингизга ҳақиқатан ҳам уни тушуниб тинглаётганингизни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Бунга фаол ҳиссиёт, аниқлаштирувчи саволлар билан эришиш мумкин. Агарда сиз унга ўзингиз бу ҳақда айтмасангиз, суҳбатдошингиз сизнинг тушунаётганингизни қаердан ҳам билсин.

11. Саботли бўлинг. Сўзловчининг гапини бўлмайд тингланг. Бунга етарли вақт топинг.

12. Ўз ҳиссиётингизни жиловланг. Сержаҳл киши ўз сўзларини кўпинча нотўғри ифодалайди. Ўзингизга қулоқ тутинг. Сизнинг ташвишли қиёфангиз ва сиздаги ҳиссий кўзғалиш шеригингизни тинглашга ҳалақит беради. Агарда унинг нутқи ва ҳаракати сизнинг туйғуларингизга таъсир этса, уларни билдиришга ҳаракат қилинг, бу вазиятни ойдинлаштиради, суҳбатдошингизни тинглаш осон бўлади.

13. Эҳтиёткорлик билан танқид қилинг, баҳоламанг. Суҳбатдошингизга нисбатан маъқулловчи муносабатда бўлинг. Бу унга фикрларини аниқ ифодалашига ёрдам беради. Сиз томонингиздан билдириладиган ҳар қандай салбий реакция сўзловчида ўзига ишончсизлик ҳисси, химояланиш реакциясини уйғотади.

14. Суҳбатдошингизнинг мақсадини тушунинг. Кўпинча суҳбатдошнинг мақсади - сиздан реал нимадир олиш ёки фикрингизни

ўзгартириш, ёки нимадир қилишга сизни мажбурлаш эканлигини ёдингизда тутинг.

15. Ёмон одатлар эшитиш жараёнини қийинлаштиради. Ўзингизнинг эшитиш одатларингизни, характерингизнинг заиф ва кучли томонларини ошқора қилишга ҳаракат қилинг. Сиз инсонлар ҳақида жуда тез фикр юритмаяпсизми? Сизда инсонга қарамасдан эшитиш одати йўқми? Сухбатдошингизни тез-тез бўлиб турасизми? Тинглаётганингизда бошингиз ўз ташвишларингиз билан банд бўлса-да, ўзингизни худди берилиб эшитаётгандай қилиб кўрсатасизми? Охиригача тингламай туриб, шошилиш хулоса чиқармайсизми?

### **Эшитиш кўникмалари**

#### **1. Новербал эшитиш**

- "Кўз кўзга " контакти;
- гавда, тана тили;
- маълум бир товушлар (тақлидий сўзлар, юкламалар)ни қўшиб тинглаш (аха, уу, а-ааа, хмм...);
- бизнинг фикр ва туйғуларимиз.

#### **2. Кўзгудек акс эттириш**

- новербал эшитиш;
- шеригининг сўз ва ифодасидан фойдаланиб, "матнга яқин" ҳолда унинг сўзларини такрорлаш;
- мен ...деганингизни эшитдим, тушундим;
- сухбатдошингизни тўғри тушунганлигингизга амин бўлинг.

#### **3. Ўзгача ифодалаш (эшитганларини жамлаш)**

- новербал эшитиш;
- кўзгудек акс эттириш;
- шеригидан яъни бошқа бир тингловчидан эшитганларини қисқа шаклда ўз сўзи билан такрорлаш;
- ўзининг эмас, шеригининг фикр, туйғу, ғояларини такрорлаш;
- сухбатдошингизни тўғри тушунганлигингизга амин бўлинг;
- шеригингиз учун муҳим бўлган ҳамма нарсани такрорлаганингизга ишонч ҳосил қилинг.

#### **4. Қўшилиш**

- новербал эшитиш;
- кўзгудек акс эттириш;
- шеригидан эшитганларини қисқа шаклда ўз сўзи билан такрорлаш
- шеригининг фикри ва туйғуларига қўшилиш (фикрга қўшилиш ва қабул қилиш шарт бўлмаган ҳолда тушуниш);
- сенинг ўрнингда бўлганимда, мен ҳам ўзимни шундай ҳис қилган бўлардим: бу тушунарли, ҳар бир киши билан шундай ходиса рўй берган, ҳаммамизнинг жаҳлимиз чиқади...

#### **5. Рағбатлантириш (комплиментлар)**

- шеригингизни очиқлиги ва ишончи учун мақташ;

- буни сиз менга айтаётганингиз учун раҳмат;
- сизнинг фикрингизни билиш мен учун муҳимдир;
- мен бу ҳақда ўйлаб кўраман;
- сизнинг очиқлигингиз менга ёқади;
- сиз бутунлай ҳақсиз, мен бу ҳақда ўйлаб кўришим керак экан.

#### 6. 4 қадамли формула

1. Қачон... (ходисаларни тасвирлаш);
2. Мен ўйладимки...(фикрни ифодалаш);
3. Мен ҳис қилдим... (туйғуларни ифодалаш);
4. Кейинги сафар сиз ...қилишингизни хоҳлардим; агар сиз ..., менга ёрдам берарди (вазиятдан тўғри таклиф билан чиқиш).

#### Фаол эшитиш кўникмалари

Қуйидагиларни индамай бажаринг:

- Тингловчи гапираётганларини тизимланг: муҳим ғоялар, асосий сўзлар, саналар, исмлар...;
- Эшитганларингизни таҳлил қилинг, билган нарсаларингиз билан қиёсланг;
- Ҳис-туйғуларни эшитишга ҳаракат қилинг - кўпинча улар сўзларга зид келади;
- Сўзловчининг фикрини тушунишга ҳаракат қилинг;
- Ўз фикрларингизга «келиш» ва «кетиш»га руҳсат беринг, диққат-эътиборингизни ўз фикрларингизга эмас, сўзловчининг фикрига жамланг.

#### Диалогда фаол эшитиш алгоритми

Босқичлар	Ҳаракатлар
1. Сўзловчининг сўзини қўллаб-қувватлаш	"аҳа", "ҳа", «ҳмм», "албатта", бош ирғитиш, «эшитиш позаси», кўзлар алоқаси
2. Шеригининг ўз айтган сўзлари учун масъуллигини таъкидлаш (агар бу фикрни айнан ким айтганлиги таъкидланмаса, парафраза ишламайди)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Сиз ... деб ҳисоблайсиз, гапиряпсиз (ўйлаяпсиз)</li> <li>• Демак, Сизнинг гумонларингиз қуйидагилардан иборат: ...</li> <li>• Шундай қилиб, Сизнинг тамойилларингиз ...ни кўрсатади</li> <li>• Демак. сиз ...ни тасдиқлайсиз</li> <li>• Сизнинг фикрингиз бўйича шундай хулоса қилиш мумкин:</li> <li>• Сиз фикрингизни шундай ифодаладингизки, унга кўра...</li> <li>• Сизнинг сўзларингиз шундай:</li> </ul>



3. Фикр мазмунини ифодалаш	Бу босқичда шахсий ҳис-туйғулар, баҳолашдан бутунлай холи бўлиш, уларни кейинроққа қолдиришга ҳаракат қилиш керак
4. Сухбатдошингизнинг фикрини тўғри тушунганлигингизга ишонч ҳосил қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мен тўғри тушундимми?</li> <li>• Бу шундайми?</li> <li>• Мен ҳеч нарсани адаштирмадимми?</li> </ul> <p>Агар шеригингиз сизга қўшилмаса ёки иккиланса, тўлиқ тушунгунингизга қадар фикрни яна бир мартаба ифодалаш керак</p>

### **Сухбатдошингиз томонидан айтилган фикрни аниқлаш усуллари**

1. Қўллаб - қувватловчи акс-садо. Сухбат чоғида мижознинг охириги сўзларини такрорлаш. Бу билан биз уни ўз эҳтиёжларини аниқроқ баён қилишга рағбатлантирамыз.

2. Маъновий акс-садо. Тингловчи баён қилган гаплардан бир-иккита асосий сўзларни такрорлаш. Бунда биз унинг нутқини маълум бир йўлга йўналтирамыз. Бу усул ёрдамида ўзимиз учун муҳим бўлган сухбат мавзусини таъкидлаймыз.

3. Кўзгу. Тингловчи фикрини унинг сўзлари билан такрорлаш. Бу техника сўзловчида ўзини тушунилган ва сухбатни у бошқараётгандек, ҳаёл туғдиради. У тингловчида ўз фикр ва саволларини ўйлаш ва режалаштиришга имкон беради.

4. Қайта такрорлаш (парафраз). Эшитувчи томонидан сўзловчининг сўзларини айнан айтганидек такрорлаш. Бундан кўзда тутилган мақсад - фикрнинг маъносини тушунишга эришишдан иборат булади. Қайта такрорлаш тушуниш мазмунини берибгина қолмай, балки тингловчи сўзларида очиқ-ойдин айтилмаган фикрнинг англаганлигини ҳам ифода этади. Ўз фикрини бу шаклда қабул қилган шерик нотўғри тушунчадан тўғри тушунчани ажрата олади.

### **Мулоқотни ижобий ҳулосалаш**

Ҳулоса қилиш - бу сухбатдош фикрининг маъноси ёки мазмунини (ўша ёки ўхшаш сузлар билан) такрорлашдир. Бунда биз жумла охирига (товушни кўтариб) "оҳангли сўроқ белгиси"ни қўямиз, натижада бу гап ундов гап бўлади: сухбатдошимиз кейинги фикрлар ёки сўзларга нисбатан рағбатлантирилади.

### **Ҳулосаловчи жумлаларнинг намуналари:**

- "Бу сиз учун янги муаммоларни келтириб чиқарадимми?"
- "Яъни, масалан икки-уч йилда бир мартами?"

- "Биринчи навбатда, метод бирлашма раиси биланми?"

#### **Қолипли жумлалар:**

- "Шундай килиб, Сиз., деб ҳисоблайсиз"
- "Сиз...дедингизми?" "Агар мен Сизни тўғри тушунган бўлсам, Сиз...?"
- "Сиз ... ни назарда тутдингизми?"
- «...»

#### **Қуйидагилардан сақланинг:**

- Сўзловчининг сўзини бўлмаг;
- Баҳслашманг;
- Баҳоламанг;
- Айбламанг;
- Тез хулоса чиқаришга шошилманг;

### **ИНТЕРФАОЛ МАШҒУЛОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Интерфаол таълим жараёнини ташкил этиш ва олиб боришда ўқитувчидан зарур даражада тайёргарликка эга бўлиши талаб қилинади. Бунда интерфаол машғулотдаги асосий фаолият тури мулоқат жараёнидан иборат эканлиги боис, вербал ва невербал нутқ кўникмаларининг сифати ва самарадорлиги алоҳида ўрин тутди. Шу муносабат билан интерфаол машғулот жараёни учун зарур бўлган нутқ кўникмаларини эслатиб ўтамиз.

#### **Новербал:**

1. Гапираётган вақтингизда ҳар бир қатнашчини диққат марказингизда тутинг. Гуруҳдаги айрим кишиларгагина яхши муносабатда бўлиб кўринмаслигингиз учун барчага баробар эътибор қилинг.
2. Гуруҳни чалғитмасдан хонада ҳаракатланинг (жойингизни бошқа ерга бемақсад кўчиришдан сақланинг, шунингдек, гуруҳга хонанинг ўзингиз кўринмайдиган жойидан мурожат қилманг)
3. Имо-ишораларга, табассумга ва қатнашчиларнинг Сизга нимадир айтиш хоҳишига эътибор беринг.
4. Гуруҳ қаршисида турунг. Машғулот пайтида, айниқса, машғулот бошида ўтирманг. (Хотиржам кўриниш ва бир вақтнинг ўзида дадил ва собит бўлиш жуда муҳимдир).

#### **Вербал:**

1. Саволларингизни шундай тузингки, улар тингловчиларни гапиртирсин. Бунда сизга қўйидаги очиқ саволлар ёрдам беради: «У ҳақда нима деб ўйлайсиз?», «Нима учун...», «Қандай...», «Агарда...» ва бошқалар. Агар тингловчи шунчаки «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб берса, у ҳолда Сиз ундан: «Нима учун Сиз бундай деб уйлаяпсиз?» -деб сўранг.
2. Бошқа тингловчилардан бу фикрга қўшилиш ёки қўшилмасликлари ҳақида сўранг.

3. Товушингиз тембрига эътибор беринг. Секин ва аниқ гапиринг, айниқса, агар курс тингловчилари орасида ўзга тил ўқитувчилари бўлса.

4. Тингловчиларни Сиздан кўра кўпроқ гапиришларига мажбур қилинг.

5. Барча саволларга ўзингиз жавоб беришга ҳаракат қилманг. Тингловчилар ҳам саволларга жавоб бера олишларини ёдда тутинг. «Кимдир бу саволга жавоб бера оладими?» -деб сўранг.

6. Тингловчиларнинг фикрларини ўз сўзингиз билан такрорланг. Бу Сизга сўзловчини қанчалик тушунишингиз ва муҳокамага қўйилган саволларни тушунишни осонлаштириш имкониятини беради.

7. Баҳс якунида Сиз ҳар бир тингловчи машғулот моҳиятини тушунганига ва ўз фикри пайдо бўлганига амин бўлинг. Бу сўзловчиларнинг ҳар турли қарашларини кўриш ва хулосалар чиқариш учун қулай вақтдир.

8. Қатнашчиларнинг фикрини, агар у ушбу мавзуга ёки баҳсга тегишли бўлса, ўз тажрибангиз асосида мустаҳкамланг. Масалан «Бу менга ўтган йилги воқеани эслатди».

Инсонларнинг ахборот алмашиши жараёнидаги энг асосий восита сўз ҳисобланади. Бу ҳақда инглиз олими Уильям Гладсан «Инсонлар бир-бирларини англашлари учун сўз ўйлаб топилган» деб ёзади. Шу билан бир вақтда, маълумки, инсон сўзловчи билан мулоқат жараёнида у айтаётган ахборотни 10 фоизини вербал коммуникация, яъни талаффуз қилинган сўзлар орқали 65 дан 80 фоизгачасини эса, новербал коммуникация орқали қабул қилади.

Вербал коммуникацияга сўз ва уларнинг ўз маънолари киради. Новербал коммуникация эса, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- ✓ Товуш тембри ва оҳанг;
- ✓ Кўз корачиғи кенглиги;
- ✓ Суҳбатдош орасидаги масофа;
- ✓ Имо-ишора ва гавда ҳаракатлари;
- ✓ Гавда;
- ✓ Кийим-кечак;
- ✓ Юз ифодаси;

Катта ёшлилар таълим соҳаси бўлган педагог кадрлар малакасини оширишдаги интерфаол таълим жараёнини ташкил этишда машғулот олиб борувчи ўқитувчилар вербал ва айниқса, новербал коммуникация элементларидан машғулотнинг кўзда тутилган мақсадларига мувофиқ равишда фойдаланишга зарур даражада эътибор беришлари лозим, чунки новербал коммуникация элементлари таълим жараёнини самарадорлигини оширишга сезиларли ижобий таъсир ўтказиш билан бир қаторда баъзан салбий ҳолат юзага келишига ҳам сабаб бўлиб қолиши мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда интерфаол таълимни ташкил этиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Тингловчиларда жараёнга бўлган қизиқишни уйғотиш;
- Ўқув материалларининг самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- Ўқув жараёнига қўйилган вазифани тингловчилар томонидан мавзу бўйича муаммоларни мустақил равишда ҳал қилиш йўлларини танлаш орқали уларнинг ечимларини топишларига имкон яратиш;
- Тингловчилар орасида ўзаро муносабатни шакллантириш, гуруҳда ишлаш тартиби, ҳар қандай фикрни сабр билан охиригача эшитиш, сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилиш, тингловчиларни ҳурмат қилиш;
- тингловчиларда фикр ва муносабат шакллантириш;
- тингловчиларда ҳаётий ва касбий қобилиятларни шаклланириш;
- тингловчининг компетенцияси даражасини ошириб бориш.

## **ИНТЕРФАОЛ МАШҒУЛОТДА ЎҚИТУВЧИНИНГ РОЛИ**

Интерфаол таълим жараёнида ўқитувчининг роли ҳам кескин тарзда ўзгариб боради. Ўқитувчи бу – машғулоти ишлаб чиқувчи (интерфаол ўйинлар технологи), ташкилотчи, маслаҳатчи (консультант), фасилитатор, коммуникатор, психолог сифатида иш олиб боради.

**Ўқитувчи – интерфаол машғулоти учун ўйинларни ишлаб чиқувчи (ўйин технологи).**

Амалиётда раҳбар ва мутахассисларни ўқитишда тайёр ишлаб чиқилган ўйинлардан ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди.

Бунинг сабаблари жуда кўп:

- назарий маълумотлар ва амалий масалаларга тегишли адабиётларнинг йўқлиги, одатга кўра кўп адабиётларда назарий масалаларга оид, ёки назариясини билмаса, тушуниш қийин бўлган расмлар тўпламидан иборат, ёки қайсидир бир технологияни тасвирланади;

- кўпчилик муаллифлар амалий ишлаб чиқаришда ўзларининг блок – структуралари ёки тасвирлаган ўйин саҳналарини тақдим этадилар, аммо янги иш бошлаган ўқитувчилар фойдаланишлари учун қулай бўлишини ўзларига мақсад қилиб қўймайдилар;

- яхши тасвирланган ўйинлар одатда кичик ададда (тиражда) босиб чиқарилади ва кенг оммага мўлжалланмайди;

- айрим бир синф ўқувчилари учун мўлжалланмаганлиги ҳамда синфдаги айрим ногирон ўқувчилар учун мос эмаслиги;

- синф хонасининг ўйин шартига мос эмаслиги.

Юқорида таъкидланганларга кўра, кучи, вақтини, шароитни ва ўхшашини қидиргандан кўра, ўқитувчига ўзи кўзлаган ва кутган натижани берувчи шахсий технологияни ишлаб чиқиш осонроқ. Технология танлови, ўқитувчининг ўқувчиларга етказиши керак бўлган материалга ва у қўйган мақсадга боғлиқ. Ишлаб чиқа оладиган, ташкил қила оладиган ва ҳар қандай интерфаол технологиялар асосидаги машғулотларни ўтказа оладиган ўқитувчини **ўйин технологи** деб аташ мумкин.

**Ўқитувчи – консультант (маслаҳатчи).**

Тингловчилар, уларни нимага “тортишаётганларини” тушуниб

етишлари учун, ўқитувчи ўйиннинг маъноси ва мақсадинигина эмас, балки унинг қонун-қоидаларини тушунтириши, роллар бўйича кўрсатмалар бериши, босқич (қадам)ларнинг тартиби ва кетма-кетлигини тасвирлаб бериши керак. Бунда, қандай жалб қилишга, шунингдек, унинг меъёрига, берилаётган ахборотнинг сонига, унинг кетма-кетлигига аҳамият бериш зарур.

Ўйин бошланишидан олдин белгиланган вазифа ва бошқарув амалга оширилади ва ўқитувчи “ўйин” босқичларида фаол ва суст ўқувчиларни ажратиб олади ва шу ахборотга кўра, уларга роль тақсимлайди. Тажриба шуни кўрсатадики, ўйиндаги ролларни кўрсатиш имконини бериш учун, билими суст ўқувчиларга фаол бўлган ролларни бериш натижалари юқори бўлди.

Маслаҳатчининг асосий вазифаларидан бири- бу тингловчининг ўз амалий фаолиятида олган билимларини мустаҳкамлаш ва кўникмаларини қўллашда маслаҳатлар билан ёрдам бериш. Ўқитувчи-маслаҳатчи қуйидаги тамойилларга амал қилиши керак:

- саволи ёки муаммоси бўлган қатнашчига эътибор бериш учун вақт ажратиши ва жой топиши ;
- имкон бўлганда ўринда ҳар доим ўқувчини мақташи;
- қатнашчининг “оғриқли нуқталарини”, эҳтиёжини аниқлаш, ёки аксинча, билим ва кўникмаларидан самарали фойдаланиши керак;
- иштирокчида, инструктаж вақтида қийинчилик ҳосил бўлганлигига гувоҳлик новербал берувчи, ишончсизлик, ўзини йўқотиб қўйиш ва бошқа сигналларни кузатиши;
- ўқитишнинг альтернатив усулини қўллашга тайёр бўлиши керак.

### **Ўқитувчи – интерфаол ўйин ташкилотчиси.**

Бу функция ўйиннинг барча босқичларида ўзини намоён қилади: ўйингача, ўйин вақтида ва ўйиндан кейин. Ўқитувчи ташкилотчи ролида бўлар экан, ўйиннинг барча босқичларида: мақсад қўйишда, қарор қабул қилишда, режалаштиришда, ўйин жараёнини ташкил қилишда ва унинг йўли ва натижасини назорат қилишда, зарур бўлганда, ўйин мазмунини ўзгартиришда иштирок этади.

Ўйин жараёни ўқитувчидан фаолиятнинг турли кўринишларини: ўйин гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини, гуруҳлараро баҳс ва мунозараларни, бошқариш, ёрдам кўрсатиш ва эмоционал мадад беришни, иш мазмунини таҳлил қилишни, бажарилаётган ишнинг қоида ва меъёрларини назорат қилишни талаб қилади.

Бундан ташқари ташкилотчи ўйин ўтказадиган ва дам оладиган хоналар: ўйин ўтказиш учун анжомлар, “ўйин майдонида” керакли миқдордаги иш ўринлари бўлишини таъминлаш бўйича ҳам шуғулланиши керак.

Ҳамма белгиланган ишларни амалга ошириб бўлгандан сўнг, аввалги ҳолатига қайтиши, яъни, тингловчиларнинг ўйиндан қониққанлик ва натижалардан олинган таассуротлар даражасини белгилаш мақсадида анкета

сўровнома тарқатиши керак.

Ўқитувчининг ташкилотчилик ролини тавсифлаган ҳолда, ўқув машғулотларини, айниқса, ишбилармонлик ўйинларини бошқариш ўқитувчи фаолиятида бошқа ўтказиладиган машғулотлардан тубдан фарқ қилишини айтиб ўтиш жоиз.

Бошқарувчи (ташкилотчи), ишбилармонлик, инновацияли, апробацион-қидирув ўйинларида нафақат режалаштирилаётган ўйин фаолиятининг мазмуни ва ўтказиш шакли билан бирга ўйинни олиб боришни билиши, ўйин тартибини назорат қилиши, кутилмаган ҳолат ва адашишларни тезда сезиши ва муаммоли ҳолатларни бошқариши, ўйин давомида тузатишлар киритиши керак. Шу билан бирга, ўйиндаги барча ролларни ва саҳнани яхши билиши, яъни ёддан олиб бориши керак.

Бу барча жараёнларни бошқариш ўқитувчидан ташкилотчилик қобилиятини, фаоллик ва топқирликни, қатъийлик, ҳаракат тезлиги, коммуникативлик ва кишиларга ўз таъсирини ўтказа олишни талаб қилади.

### **Ўқитувчи- коммуникатор.**

Ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнидаги коммуникативлик (лотинча “communico”- “барчани алоқага боғламоқ, мулоқот” маъноларини билдиради) вазибаларига таълим олувчилар билан мулоқот фаолияти киради. Бунда ўқитувчи таълим олувчилар билан алоқа ўрнатибгина қолмай, балки ўз фикрини мазмунли бера олиши ва бошқаларни тинглай олиши, ўзаро боғланган саволлар бера олиши ва таълим олувчиларнинг саволларига саводли жавоб бера олиши, ўзаро индивидуал алоқалар ўрната олиши, мунозара олиб бора олиши, иш муносабатларининг барча жанрларини эгаллаган бўлиши, фақат турли интерфаол технологиялар учун эмас, балки турли даражадаги ўқувчилар учун ҳам саҳналар ишлаб чиқа олиши, интерфаол фаолият учун қулай ва ижодий муҳит ҳосил қилувчи, коммуникативли хатти-харакатларни ташкил қила билиши керак.

Ўқитувчи машғулот мақсадига мувофиқ равишда гуруҳ ичидаги ва гуруҳлараро мулоқотни, балки ҳар бир қатнашчи ўз фикрини айта олишини, фаоллигини бошқаради, айтилган фикрларни шарҳлайди, натижалайди ва яқунлайди.

Қуйида ўқувчиларнинг эркин коммуникациясини таъминловчи ва баҳс-мунозараларини бошқаришнинг асосий бир нечта қоидалари берилган:

Умумий мунозара вақтида “сен”, “биз”, “одамлар” сўзини эмас, балки “мен” олмошини ишлатинг. Масалан: “Бу гуруҳдаги одамлар бир оз асабийлашган” эмас “мен бир оз асабийлашганман” деб айтиш керак.

Бошқа киши ҳақида учинчи шахсда эмас, биринчи шахсда, тўғридан – тўғри ўзига мурожаат қилиш керак. Масалан, “Менимча, Алишер бундай ... демоқчи эди” ни ўрнига, “Алишер, менимча сен будай... демоқчи эдинг” деб алмаштириш керак.

Гуруҳда содир бўлаётган ҳодисалар ҳақида турли назариялар тузишдан сақланинг.

Айни пайтдаги давр доирасида қолишга ҳаракат қилинг: фақат ҳозир ўйлаётган ва ҳис қилаётган нарсангиз ҳақида муҳокама қилинг: шу ерда ва

ҳозир.

### **Ўқитувчи – фасилитатор.**

Фасилитатор – (ингилиз тилидан олинган бўлиб “facilitate” – енгиллаштирмак, енгиллатмак маъноларини англатади) бу интерфаол жараёни назорат қилувчи, унинг қонун-қоидаларига риоя қилинишини таъминловчи, бу билан эса барча қатнашчиларни машғулот жараёнига диққатларини жалб қилишга ҳамда унинг мазмун ва моҳиятини ўзлаштириб боришга ўргатувчи мутахассис педагогдир.

Ўқувчиларга машғулотларда ўзларини (жисмонан ва маънан) қулай ҳис қиладиган муҳит яратиш жуда муҳим, бу уларнинг ўқиш ва ривожланишларига катта ёрдам беради.

Ишончлилик муҳитини ҳосил қилиш қуйидаги кўпгина омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин:

- “жараён майдони”, яъни қулай атроф – муҳит (ҳаво, ёруғлик, мебель, видеотехника, флипчартлар ва ҳоказо);
- ўқитувчининг ишончлилиги ва ёқимлилиги орқали биринчи таассуротларни ҳосил қилувчи тақдироти;
- гуруҳ билан ташкилий ишлар ҳақида: иш тартиби, танаффуслар ва ўйиннинг асосий босқичлари муҳокамаси;
- “ихтиёрийлик” тамойилини қабул қилиш: агар ким гуруҳда ишлашни хоҳламаса, мажбурлаш ва ўзини оқлашга мажбур қилиш керак эмас;
- гуруҳда бор бўлган билим ва амалий тажрибани кўрсата билиш;
- “жалб этувчи”, “асабийлашишни йўқотувчи”, “қизиқтирувчи” машқ ва тренингларни ташкил этиш;
- Натижалар тўғрисида ҳиссиёт, таассуротлар ҳақида гапирмасдан ва танқид қилмасдан “ҳамма ҳаммага” асосида муҳокама ўтказиш.

Иш ўйинлари натижаларини муҳокама қилганда, кўпроқ унинг фаолияти натижасига, қабул қилинган қарор, ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар таҳлилига, коммуникатив машқларда ўзаро таъсир жараёнига аҳамият бериш керак. Рефлексли таҳлил, ўзи ва шеригининг ҳатти-харакати ҳақида фикр юритиш етарлича вақт талаб қилувчи, ўйлаш жараёнидир. Тингловчилар фақат ўйлабгина қолмай, балки мустақил рвишда яқуний фикр ва қарорларга келишлари ҳам мумкин.

Ўқитувчи – фасилитатор гуруҳни ҳамкорликка ўргатган ҳолда, командадаги ҳар бир қатнашчининг фаоллигини оширишга ёрдам беради ва қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

- очиқ саволлар бериши;
- гуруҳдан келувчи турли сигналларга ўринли жавоб қайтариши;
- гуруҳ аъзолари ўртасида келиб чиққан чалкаш, муаммоли суҳбатга аниқлик киритиши;
- гуруҳнинг хулоса қилишига ёрдам бериши;
- зарур ахборот беришга тайёр бўлиши;
- гуруҳли қарор қабул қилишга имкон бериши.

Ўқитувчи- фасилитатор, масалан бундай саволлар беради: “Сиз нимани сездингиз?”, ”Ким машқ, топшириқ ва ҳоказоларни бажариш вақтидаги ўзининг ҳолатлари ҳақида гапирмоқчи?” ёки “Сизнингча яна нима содир бўлди?” ва ҳар бир ўйин охирида “вазиятдан чиқариш”ни амалга оширади.

### **Ўқитувчи – психолог.**

Психолог (юнонча “psyche”-қалб, “log”- ўрганувчи) яъни, инсонлар қалбига йўл топувчи маъносини билдиради. Интерфаол ўйинларни ўтказиш учун ўқитувчига шахслараро ва ишбилармонлик мулоқотида “инсоний омил” билан боғлиқ бўлган қимматли йўл-йўриқлар керак бўлади. Тингловчиларга инсонийлик ва эътиборни, муомалада илиқлик ва очикликни намоён қилган ҳолда, айниқса коммуникатив компетентлик билан боғлиқ янги билимларни ўргатишда ўқитувчи, яна ҳам яхши шарт-шароитларни яратади. Дилкаш одамнинг кишилар билан чиқишиши, “совуқ”, индифферент одамга (лот. Indiferens- эътиборсиз, бепарво) нисбатан осонроқ.

Интерфаол ўзаро таъсир ҳақида гап кетганда, “мулоқотдаги илиқлик” тушунчаси қуйидагилардан ташкил топган:

- \* коммуникативлик бўйича шерикларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- \* айбловнинг йўқлиги;
- \* “ҳимояланиш позициясининг” йўқлиги;
- \* яқинлик ва ишонч;
- \* самимийлик.

Ўқитувчи билан таълим олувчи ўртасидаги муносабатнинг илиқлиги - бу ҳам услуб, ҳам фикрлашнинг хусусияти, ҳам касбий маҳорат. Интерфаол машғулот ўтказётган ўқитувчи ҳар бир қатнашчига нисбатан эътибор ва илиқликни намоён қилишга мажбур. Бу унинг хис-туйғуларида, педагогик одобда ва ўзини тута билишида, шунингдек, ҳамма вақт бошқа одамлар билан муносабатда ўзини тутишида ва ўзини барча ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишида намоён бўлади.

Бошқа одамларни вужуди билан тушунишга қодирлик, бошқа одамни “ич-ичидан хис қилиш”, бошқа одамнинг кўзи билан оламни қабул қилиш ва унинг хис- туйғуларини таҳлил қила билиш қобилияти, бошқа одамнинг дунёқарашини қабул қилишга ва унинг кўзи билан дунёни кўришга қодирлик билан боғлиқ. Айниқса бу, суҳбатдошни тинглаш вақтида, унга нисбатан қизиқиш ҳосил бўлганда, барча замонавий психологик ёрдамга муҳтожларга ёрдам кўрсатилганда яққол намоён бўлади.

Бундан ташқари ўқитувчи, сўзсиз, барча таълим олувчиларга бир хил муносабатда бўлиши керак. Айнан шу тавсифга кўра ҳар бир одамнинг қиймати ва унинг шахсий хусусиятлари намоён бўлади. Хатто “дағал” одамларга нисбатан самимий ва очик бўлиш жуда қийин ва бу ўқитувчидан фақат ўз-ўзини англашнинг ривожланишини эмас, балки ўз шахсий муаммоларини ҳал қилиши асосида ўзини тузатишини талаб қилади.

Психологик мадад бериш, бошқаларнинг тажрибаларига ҳурмат билан қараш, тингловчиларнинг қабул қилувчи қарор ва ҳаракатларига дўстона муносабат-буларнинг барчаси ўқишга қизиқиш ва уюшган ҳолда



ривожланишга олиб келади.

Шундай қилиб, ўқитувчи - ўйин техниги, бир вақтнинг ўзида барча кўринишда саводли ва малакали бўлиши лозим. Албатта, муайян амалий фаолиятда бу вазифаларни бир нечта ташкилотчи бажариши мумкин. Бундай тажриба ташкилий-фаолиятли ва инновацион ўйинларда тарқалган. Бундай ҳар томонлама ривожланган ўқитувчини, раҳбар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга топиш жуда қийин, чунки уларнинг кўпчилигида айтиб ўтилган хислатларнинг баъзиларигина ривожланган, лекин ўқитувчи ушбу айtilган хислатларни ривожлантиришга интилиши зарур, чунки интерфаол ўқитишнинг муваффақияти ва ўқитувчининг моҳирлиги билан бевосита боғлиқ.

Интерфаол таълим жараёнида ўқитувчининг роли кескин ўзгариб туради, у жараёни ташкил этади ва бошқаради, вазифаларни олдиндан тайёрлайди, саволларни тузади ва гуруҳларга таълими муаммоларни яратади, жараён давомида турли маслаҳатлар беради, вақтни ва тартибни назорат қилади. Бунда жараён натижасида тингловчилар машғулот мавзуси бўйича биргаликда бир тўхтама келишлари орқали уларнинг мавзунини ўзлаштиришлари таъминланади.

### **ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН АМАЛДА ФОЙДАЛАНИШ**

Маълумки, интерфаол методларнинг турла кўп бўлиб, улар орасидан айнан бир синф ҳамда бирор мавзу учун энг мосини танлаш керак бўлади. Бунда битта интерфаол метод бир нечта мавзулар ҳамда бир нечта синфлар учун мос бўлган ҳоллар кўп учрайди. Шунга қарамасда, ижодкор педагогларнинг иш усулида ҳар бир мавзу бўйича қўлланиладиган интерфаол методлар айнан шу синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасига, шу билан бирга фаннинг хусусиятларига ва машғулот мавзусига тегишлигига молаштирилган ҳолда қўлланилади.

Интерфаол методларнинг ҳар бири ўзига хос имкониятларга мос равишда тегишли машғулот давомида қайси ўринда қўлланилиши ва унинг учун қанча вақт сарфланиши мақсадга мувофиқлигини белгилаш ва амалга ошириш ҳар бир ўқитувчида ҳар хил бўлиши мумкин, бу эса ўқитувчининг мазкур масалаларга қанчалик ижобий ёндашувга боғлиқ.

Ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида шундай методлардан амалда фойдаланиш юзасидан машқлар ўтказиш орқали уларнинг касбий-педагогик маҳоратларини ошириб бориш назарда тутилади.

Қуйида шундай интерфаол методлардан амалда фойдаланиш бўйича айрим намуналар келтирамыз.

## “ТЎРТ (4) ТАРАФ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: берилган муаммони 4 тарафлама ўйлаб кўриб, муаммо юзасидан билимларни ошириш ва мустахкамлаш.

Бу методдан фойдаланиш учун керакли воситалар: А4 ёки А3 форматли оқ қоғоз ва маркер.


Методдан фойдаланиш учун ўтилган мавзу ёки ўтилган фандаги бирон бир бўлим танлаб олинади ва шу мавзу ёки бўлимни ёритувчи 4 та савол ўқитувчи томонидан тузилади. (3 та савол ва 1 та амалий топшириқ ҳам бўлиши мумкин). Оқ қоғоз қуйидаги шаклга келтирилади. Шундан сўнг марказдаги овал шакл ичига танлаб олинган мавзу ёзилади. Атрофидаги 4 та катакка савол ва топшириқ берилади. Масалан, “мавзу” қисмига “Ўзбекистон” деб ёзамиз. 4 та катакка:

1. Пойтахти.
2. Вилоятлари.
3. Чегарадош давлатлар.
4. Раамзларидан бирини чизинг.

Бундай шаклдан “Мустақиллик дарслари”ни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

## “Мен ҳақимда” машқи

Бу машқ индивидуал иш бўлиб, иштирокчиларнинг бир-бирлари билан яқинроқ танишишлари мақсадида қўлланилади. Бунда А4 форматли қоғозга иштирокчи ўзининг исми, 3 та ижобий фазилати, орзу-истаклари ва камчиликларини ёзиб (1 та камчилик келтирилади, иштирокчи хоҳишига кўра келтирилмаслиги ҳам мумкин) ёнидагилар билан ўртоқлашади. Қуйида А4 формат қоғози кўриниши келтирилади.



## ДАРАХТ МЕТОДИ

Бу методнинг мақсади ўқувчи ва тингловчиларнинг машғулотга бўлган қизиқишларини ошириш. Бунда асосан катта ўлчамдаги дарахт расми ва мевалар шаклидаги рангли қоғозлар (стикерлар) зарур бўлади.

Дарахт методини мақсадларга кўра турли номлар билан қўллаш мумкин.  
МАСАЛАН

### “Кутувлар” дарахти методи

Методнинг мақсади: жараёни рефлексия ва таҳлил қилиш.

Керакли воситалар: катта форматдаги оқ қоғозда дарахтнинг расми, олма шаклидаги рангли, ёпишадиган (стикерлар) қоғозлар.

Ўтказиш босқичлари:


1. Дарахт расми доскага ёпиштирилади ва олма шаклидаги рангли қоғозлар (стикерлар) тингловчиларга тарқатилади.

2. Режалаштирилган жараён билан тингловчилар таништирилади. (Масалан, 3 паралик машғулот режаси, 1-3 кунлик семинар режаси, ярим йиллик ёки бир йиллик жараён).

3. Тингловчиларга вазифа берилади. Ушбу олма шаклидаги рангли стикерларга олиб борилиши режалаштирилган жараён бўйича кутувларингизни ёзинг. (1-2 дақиқа).

4. Ўқитувчи ёзилган кутувларни кетма-кет ўқиб эшиттиради ва кетма-кет “Кутувлар дарахти”га ёпиштиради.

5. Ўқитувчи режалаштирилган ўқув жараёни олиб борилади.



6. Ўқув жараёни якунида кутувлар ўқитувчи томонидан яна бир бор ўқиб эшиттирилади, агар кутувлар “оқланган” бўлса, “дарахт”да қолади, агар “оқланмаган” бўлса, “ерга тўкилади”.

Бу жараёни педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида ташкил этилганида, тингловчилар ўтказган машғулотни самарасини ўзи, гуруҳ ҳамда ўқитувчи учун сезади, таҳлил қилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим методларни ўқитувчи ўз тажрибаси ва ижодкорлигидан келиб чиққан ҳолда методни қўллашдаги янги мақсадларни, қўллаш босқичларини ҳаттоки методни қисман номини ўзгартириб фойдаланиш учун режа тузишлари мумкин.

Масалан, “Кутувлар дарахти” методини мактаб, мактабгача таълим муассасасида қандай ва қайси мақсадда ўтказиш мумкинлигини айтиб ўтадилар ва янги режа ва ғоялар пайдо бўлади. Масалан, улардан айримларини санаб ўтиш мумкин,

Синф раҳбари билан биринчи бўладиган танишув дарсида “Кутувлар дарахтини” “Бизнинг синф дарахти” деб номлаб, рангли стикерларга исм, шарифи, ёши ва қизиқишини ёзиб “дарахт”га ёпиштиришлари мумкин, шу ўринда ўқитувчи, яъни синф раҳбари ҳам шу кўринишда стикерларни тўлдиради ва болалар билан бирга ёпиштиради. Бу дарахтни дарс якунида синф хонасининг бир бурчагига осиб қўйилса, ўқувчиларда бир синф, жамоа деган рухий ўзаро жипслик, қолаверса, ўқитувчи билан дўстона муносабат пайдо бўлади.

Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этиш:

- биринчидан, ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамижодкорлик, ҳамфикрлик, фаолликни;

- иккинчидан, тингловчиларнинг мустақил ўқиб, ўрганиб билим орттиришларини;

- учинчидан, тингловчиларда янги маълумотларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитни яратишга ёрдам беради.

Бундай интерфаол таълим жараёни тингловчиларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ҳамда курсдан кейинги даврда узлуксиз малака ошириш фаолиятларини ривожлантириш орқали таълим сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади. Қолаверса, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчиларида интерфаол методлардан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, ўқувчининг бошқа тилни ўрганишидаги таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчиларнинг интерфаол методларни ҳар бир дарс мазмунига мувофиқ танлаш, ҳамда самарали фойдалана олиш кўникмаларини пухта эгаллашлари ҳар бир ўқув машғулотининг ўзига хос (оригинал), қизиқарли ва самарали бўлишига олиб келади.

### **“Билимлар” дарахти методи**

Методнинг мақсади: ўтилган мавзуни такрорлаш ва мустаҳкамлаш.

Керакли воситалар: катта ўлчамдаги оқ қоғозда дарахтнинг расми, олма шаклидаги рангли, ёпишадиган (стикерлар) қоғозлар.

Ўтказиш босқичлари:

1. Дарахт расми доскага ёпиштирилади ва олма шаклидаги рангли қоғозлар (стикерлар)га ўтилган мавзу юзасидан саволлар ёзиб қўйилади ва дарахтга ёпиштирилади.

2. Тингловчилар (ўқувчиларни) ўз хоҳишларига кўра ёки тартиб асосида биттадан таклиф этилади ва дарахтдаги бир саволни танлаб олиб, унга жавоб беришлари сўралади.

3. Агар тингловчи ёки ўқувчи саволга жавоб бера олмаса, бу ўринда кўйидаги иккита имкониятдан биттасини танлашни таклиф этиш мумкин;

1. Курс (синф) ёрдами

2. Конспект (китоб) ёрдами.

Бунда “Курс ёрдами” имкониятини олган тингловчи жавобни биладиган яъни қўл кўтарган курс тингловчисини танлайди ва у саволга жавоб беради. (лекин агар нотўғри жавоб берса, мактабда баҳо қўйиш жараёнида пасайтирилган баҳо олиш хавфи бор ва бу ҳақида ўқувчиларга аввалдан эълон қилинади)

Иккинчи имконият яъни “Конспект ёрдами” имкониятини олган тингловчига 1 дақиқа вақт берилади конспектидан шу саволни жавобини топиб айтиши зарур бўлади.

4. Барча саволларга жавоб олингач олиб борилган жараён бўйича хулоса ясалади.

### **«ЎҚУВ ШАРТНОМА»СИ МЕТОДИ**

Флипчартга шу семинар-тренинг учун «Ўқув шартнома»си ёзилади. Яъни тингловчилар томонидан семинар-тренинг иштирокчилари учун қоидалар ишлаб чиқилади. (Масалан: семинарга ўз вақтида келиш, кеч қолмаслик, иштирокчилар бир-бирларининг фикрларини бўлмаслиги, ўзаро ҳурмат ва шунга ўхшаш қоидалар). Шартнома тузилгач, барча иштирокчилар розилиklarини билдириб, «шартномага» – флипчартга ўз имзоларини қўйишади. Шартнома бузилган айрим ҳолатларда турли қизиқарли жарималар тайёрлаш мумкин. Масалан, шартномани бузган иштирокчи шеър ёки кўшиқ айтиши лозим бўлади. Бу эса семинар-тренингда бир лирик чекиниш бўлиб, иштирокчиларнинг кайфиятини кўтаришга олиб келади. «Ўқув шартнома»сини семинар давомида хонанинг иштирокчилар назарида бўлган жойига осиб мақсадга мувофиқдир.

### **“ҚАДАММА-ҚАДАМ” (STEP BY STEP) МЕТОДИ**

Ўқитувчи бирон бир маълумотни кетма-кет, қадамма-қадам бериш лозим бўлган вазиятларда шу методдан фойдаланса бўлади. Бунда рангли қоғозларга бир нечта (болалар пойабзали шакли) берилиши жоиз бўлган маълумотлар сониде қадамлар чизилади ва маълумотлар бирин кетин шу қадамлар ичига ёзилади. Доскага маълумотлар бирин-кетин маъруза пайтида маъруза билан ҳамоҳанг тарзда илинади. Илинганде оёқ излари кетма кетлигида ёпиштирилади.

Бу тингловчиларини

- жалб этишга,

- маълумотларни тизимлаштиришга,

- мунтазам жалб этиш орқали маълумотларнинг ёдда сақланилишига,

- истак-хоҳиш қизиқиши, мотивациянинг ошишига,

- ҳар бир маълумотнинг кетма-кетлигини аниқлаш кўникмасини ривожлантиришга олиб келади.

## **“КОЛЛАЖ” МЕТОДИ**

Коллаж методи қўлланилганда бажариш лозим бўлган топшириқни ҳар турли тасвирлар, белгилар, шакллар, ҳарф, рақам ва шу кабилардан фойдаланган ҳолда бажариш назарда тутилади. Бу метод ўзига хос универсал хусусиятга эга бўлиб ҳар хил ёшдаги таълим олувчилар билан турли мавзулар бўйича машғулотларда қўлланилиши мумкин. Қуйида айрим намуналарни келтирамиз.

### **«Мен орзу қилган мактаб» машқи**

Мазкур машғулот кичик гуруҳларда олиб борилади. Уларга бу жараёни бошлашлари учун ҳар бир гуруҳга битта флипчарт ва турли хил рангли маркер берилади.

Вазифа: Орзу қилинг ва орзу қилган мактабингиз тасвирини чизинг. Бунинг учун 15 дақиқа вақт берилади. Иш якунлангач, ҳар бир гуруҳдан бир иштирокчи тақдимот ўтказди. Тақдимот учун регламент 3-5 дақиқа.

### **«Ўқитувчи портрети» машқи**

Гуруҳларга бўлинган иштирокчилар учун ҳар бир гуруҳга битта флипчарт ва турли хил рангли маркер берилади.

Вазифа: Сизнинг назарингизда ХХI аср ўқитувчиси қандай бўлиши керак? Унинг портретини чизинг. Бунинг учун 20 дақиқа вақт берилади. (Бунда коллаж методидан фойдаланиш ҳам мумкин. Коллаж методида ўқитувчи кўриниши ёки портрети чизилиши шарт эмас, яъни ўқитувчининг фазилятлари, имкониятлари, билими, малакаси, кўникмаси, дунёқараши ҳар хил белги, предмет ёки ўхшатишлар воситасида тасвирланиши мумкин. Масалан, кечикмаслик сифатини энг сўнгги моделдаги соат расмини чизиш ёки ёпиштириш билан ифодалаш мумкин ва шунга ўхшаш). Иш якунлангач, ҳар бир гуруҳдан бир иштирокчи тақдимот ўтказди. Тақдимот учун регламент 3-5 дақиқа.

## **“ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЙИНИ” МЕТОДИ**

Ишбилармонлар ўйини методи муайян касб-ҳунар ҳақидаги билимларни ўргатиш ва мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб турли ёшдаги иштрокчилар билан ўтказиш мумкин. Бунда муайян касб эгаси бўлган мутахассисларнинг ўз касблари бўйича билмиларни чуқурлаштириш ва янгилаш амалга оширилса, мактабнинг юқори синфдаги ўқувчиларида эса, тегишли касб-ҳунарлар тўрисидаги билимлари ортиб боради., ўрта синфлар ўқувчиларининг эса, тегишли касб-ҳунар тўғрисидаги билмилари мустаҳкамланиб боради, бошланғич синф ўқувчиларининг эса, тегишли касб-ҳунар тўғрисидаги дастлабки тасаввурлари шаклланиб боради. Қуйида бу методдан фойдаланишга мисоллар келтирамиз.

## «Минора қуриш» машқи

Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳда иш бошлашдан олдин кузатувчи, режалаштирувчи, кесиш ва елимлаш ишларини олиб борувчи вазифаларини бажарувчилар танлаб олинади.

1-вазифа: Энг баланд ва мустаҳкам минора қуришни режалаштиринг.

Бунда иштирокчиларга жараёнда фойдаланиладиган ресурслар кўрсатилади. Иштирокчиларга ишни бажариш лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилади. Бунга 15 дақиқа вақт берилади. Гуруҳларда роллар тақсим қилиниб, иш режалаштириб олинади.

2-вазифа: Кузатувчи ролини бажараётган иштирокчиларга бошқа гуруҳлар ишини кузатиш топширилади ва минора қуриш жараёнини бошлаш учун ресурслар: 2 та флипчарт, қайчи, чизғич, клей тарқатилади. Шундай шарт қўйилади: Жараён вақтида иштирокчилар бир оғиз ҳам гапирмасдан, имо-ишора билан ўзларига берилган вазифани бажаришлари лозим бўлади. Бу жараёни бошқаришда кузатувчилар ҳушёр бўладилар. Жараён учун 10 дақиқа вақт берилади. (Ушбу ишбилармонлик ўйини методини таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида жараён шартини ўзгартириб, гапирмасдан иш олиб бориш ўрнига ўзбек тилида гаплашиш талаб этилиб, кузатувчи ролини бажараётган ўқувчи жараён пайтида ишлатилган русча сўзларни ёзиб бориб, жараён якунлангач, ушбу сўзларни луғат ёрдамида таржимасини билиб олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.)

Тақдимот пайтида энг юқори ва мустаҳкам минора қурган гуруҳ рағбатлантирилади (турли номли нишон ёки қарсак билан тақдирлаш мумкин).

## “Бозорча” машқи

Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳда иш бошлашдан олдин кузатувчи, режалаштирувчи, кесиш ва елимлаш ишларини олиб борувчи вазифаларини бажарувчилар танлаб олинади.

1-вазифа: Берилган предметлардан (оқ қоғоз, маркер, қайчи, чизғич) бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқишни режалаштиринг.

Бунда иштирокчиларга жараёнда фойдаланиладиган ресурслар кўрсатилади. Иштирокчилар ишни бажариш лойиҳасини ишлаб чиқишади. Бунга 10 дақиқа вақт берилади. Гуруҳларда роллар тақсим қилиниб, иш режалаштириб олинади.

2-вазифа: Берилган предметлардан (оқ қоғоз, маркер, қайчи, чизғич) бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқинг. Шарти шуки, режалаштиришда гаплашиш мумкин бўлса, гуруҳда иш бажарилаётганда гаплашиш мумкин эмас. Шу усул мактаб дарсларида қўлланганда русийзабон ўқувчилар жараёнда ўзбек тилида гаплашишлари мумкин. Бунинг учун 15 дақиқа вақт берилади.

3-вазифа: Тайёрланган маҳсулотни реклама қилинг.

Иш якунлангач, ҳар бир гуруҳдан бир иштирокчи тайёр маҳсулотни реклама қилади. Кичик гуруҳларда вазифанинг бажарилиши жараёни видеокамера орқали суратга олинади.

**Муҳокама.** Иштирокчиларга “Ушбу усулни яна қайси мавзуларни ўрганишда қўллаш мумкин?”, “Бу машғулот қандай самара беради?” каби саволлар берилади ва тингловчилар шу саволларга жавоблар ёрдамида ўзаро тажриба алмашадилар (10 дақиқа).

## “РОЛЛИ ЎЙИН” МЕТОДИ

Ролли ўйин методи машғулот мавзуси бўйича маълум масала, муаммо, вазият ёки топшириқни муҳокама қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ ҳолларда қўлланилади. Бунда ҳар бир иштирокчига маълум роль тақсим қилинишини назарда тутиш лозим. Бу методдан фойдаланилган машғулотларда иштирокчиларнинг ўзларига топширилган ролни маълум шароит ва маълум вазиятларда бажаришлари орқали уларнинг амалий иш жараёни бўйича тайёргарлик даражалари ортиб боради. Бунда иштирокчиларнинг турли ролларда бўлиб кўришлари машғулотнинг кизиқарли бўлиши билан бирга, ундан ундан кўзда тутилган мақсадларга эришишга ҳам ёрдам беради. Умуман олганда “Ролли ўйин”ларнинг турли хил шакллари. Масалан: “Аквариум”, “Кўзгу”, “Роллар дубляжи”, “Паралел”, “Ролларни алмашиш”, “Ролларнинг ротацияси”, “Суҳбатдош стули” каби шакллари мавжуд. Қуйида “Ролли ўйин” методининг “Аквариум” шаклида олиб бориб, машғулот давомида қўллаш учун мисол келтирамиз.

### «Синф мажлиси» машқи

Ролли ўйин методи шартига кўра иштирокчилар турли ролларга бўлиниб, шу ролларни ижро этишлари зарур бўлади. «Синф мажлиси» мавзусидаги ролли ўйинда мактаб раҳбари, синф раҳбари, ўзбек тили фани ўқитувчиси, паст баҳо оловчи ўқувчи (қиз бола) ва унинг отаси, паст баҳо оловчи ўқувчи (ўғил бола) ва унинг унаси, синф етакчиси иштирок этадилар. Муаммо: ўқувчиларнинг рейтинги пасайиши сабаблари ва яхшилаш чоралари.

Барча ролларга вазифалар танаффусда топширилади. (Бу жараёнда тренер ролларни ўзи танлаб топшириши мумкин. Масалан, лидер иштирокчига паст баҳо оловчи ўқувчи роли берилса, у шу вазиятга тушиб, бу вазиятда шу ўқувчини яқинроқ тушуниши имконияти туғилади).

Роль ижрочиларига қуйидагича изоҳлар берилади:

**Мактаб раҳбарига:** Сизнинг энг аъло рейтингли синфингизнинг рейтинги тушиб кетди. Сиз айбдорларни тезроқ жазоламоқчисиз, сизнинг назарингизда бунга синф раҳбари, фан ўқитувчилари, ота-оналар ва ўқувчилар айбдорлар.

**Синф раҳбарига:** Сизнинг ўтган 5 йил мобайнида раҳбарлик қилаётган синфингиз мактабнинг энг илғор синфи бўлиб келган, аммо ўзбек тили фани



Ўқитувчиси 2 та аъло баҳоларга ўқийдиган ўқувчингизга чорак якуни бўйича паст баҳо қўйган, шунингдек, бу йиллар мобайнида мактаб раҳбари сизга ўз миннатдорчилигини билдирмади, ота-оналарнинг ҳам эътибори сусайган.

**Ўзбек тили фани ўқитувчисига:** Сиз паст баҳо қўйган ўқувчилар ҳамда ўша синф раҳбари қўйган баҳоингиздан норозилар. Аъло баҳоларга ўқиган бу ўқувчилар сизнинг дарсларингизни ва бу фанни яхши билишларини айтадилар, лекин вазифаларни бажармас эдилар.

**Паст баҳо олувчи ўқувчи(қиз бола)нинг отасига:** Мактаб директори сизни соат 15.00 га синф мажлисига телефон қилиб чақирган. Келмасангиз қизингизни бошқа синфга ўтказишларини маълум қилди. Ишхонангизда эса, соат 15.30 да учрашув борлигини котибангиз айтган.

**Паст баҳо олувчи ўқувчи (ўғил бола)нинг онасига:** Сизни синф раҳбари соат 15.00 га синф мажлисига телефон қилиб чақирган. Унинг айтиши бўйича, ўғлингиз мактабда ўқитувчилар берган вазифаларни бажармаётган эмиш. Уйда ўғлингиз хонасида соатлаб «дарс тайёрламоқдаман», деб қолиб кетади. Ким ёлғон гапираётганини аниқлашингиз керак, лекин мажлисга келаётганингизда устахонадаги машинангиз тузалгани ва уни тез олиб кетишингиз зарурлигини айтишди.

**Паст баҳо олувчи ўқувчи(қиз бола)га:** Сиз ўзбек тилида яхши гаплашасиз, лекин ўзбек тили ўқитувчиси чорак якуни бўйича сизга паст баҳо қўйди. Бошқа бир нечта фанлардан ҳам баҳоингиз озгина тушган. Чунки дарслар борган сари қийинлашиб бормоқда, уйда эса ота-онангиздан ёрдам сўрасангиз, ишдан чарчаб келишганини айти-шади.

**Паст баҳо олувчи ўқувчи (ўғил бола)га:** Сизга ота-онангиз бу чоракни яхши баҳоларга битирсангиз энг замонавий телефон аппарати олиб беришларини айтишган, лекин бу чоракда баҳоларингиз тушиб кетди.


**Синф етакчиси:** Синфдошларингизнинг баҳолари тушиб кетди, сиз уларга ёрдам бермоқчисиз, аммо паст баҳо олишларига ўзлари сабабчи, ўқитувчилар берган вазифаларни вақтида бажармаётган эдилар.

Жараён бошланишидан аввал регламент белгилаб олинади.

Имконият бўлса, жараён тасвирга олинishi мумкин. Ролли ўйин тугагач, иштирокчиларга миннатдорчилик билдириб, жараённи иштирокчилар билан муҳокама қилинади (тасвирга олинган бўлса, видео лавҳани кўриб бўлиб, кейин муҳокама ўтказилади).

## **«РАСМНИ ҚАЙТАРИБ ЧИЗ» МЕТОДИ**

Иштирокчилар орасидан хоҳишига қараб бир иштирокчига геометрик фигуралар чизилган қоғоз берилади (қуйида берилган), у бу қоғозни иштирокчиларга кўрсатмасдан қисқа қилиб таърифлаб бериши керак.



(Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили дарсларида таъриф ўзбек тилида берилади). Ўқувчилар шу таърифланган тасвирни чизадилар. Бунинг учун ҳар бир иштирокчига А4 ўлчамдаги қоғоз тарқатилади.

Вазифа:

- Сўзловчини эътибор билан эшитинг.
- Жимликда унинг айтганини бажаринг.
- Вазифа учун 5 дақиқа берилади.

Иш якунлангач, геометрик фигуралар чизилган қоғоз иштирокчиларга кўрсатилади.

Иштирокчиларнинг чизган фигуралари бир-бирига ўхшамайди.

### **“РАСМЛАР ОРАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК” МЕТОДИ**

Тингловчилар гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларга 3 тадан турли хил мавзудаги расмлар, елим ва ватман ёки А3 ўлчамдаги оқ қоғоз тарқатилади.

1-вазифа. Гуруҳда мана шу учта расмнинг мазмунини боғлаб ҳикоя тузинг. Бу вазифани беришда бирон-бир мавзу асосида ёки 10 та жумладан иборат бўлган каби вазифаларни ҳам қўшиш мумкин. (Масалан, шу расмлардан фойдаланиб “Тошкентга саёҳат” мавзусида 15 та жумладан иборат ҳикоя тузинг ).

Бу ҳикояларни ёзма шаклда оқ қоғозга ёзишади ва тегишли ўринларга расмларни ёпиштиришади.

Тақдимот: гуруҳ аъзоларидан бир киши ёки бир неча киши тақдимотни олиб боришлари мумкин. Яратилган ҳикояни ўқиб, унинг мазмунидаги тегишли ўринларда расмларни кўрсатиб ва зарур даражада шарҳлаб, изоҳлаб ўтишади.

## “ДАВРЛАР СТУЛИ” МЕТОДИ

Машғулот мақсади:

1. Тингловчи (ўқувчи)ларда бир-бирларининг “ички оламлари” билан яқиндан танишишга имкон яратиш;

2. Тингловчи (ўқувчи)ларнинг ўтмиш ҳамда ўз келажакларига “саёҳат” уюштириш;

3. Тингловчи (ўқувчи)ларни келажакка назар солиб, мақсадларни аниқ қўя олишга ўргатиш;

Шунингдек, мактаб ўқувчиларида:

4. Ўқувчи ўтмиш билан ҳозирги даврни таҳлил қила олиш кўникмаларини шакллантириш;

5. Сайёрамизда ҳозирда ўзгариб бораётган ижобий ва салбий ўзгаришларга нисбатан ўз фикрларини ифодалай олиш кўникмаларини шакллантириш.

Машғулот учун керакли жиҳозлар:

Саволлар ёзилган ватман (қуйида келтирилган):

1. Ёшингиз нечада?

2. Оилангиздаги муҳит қандай (кишилар сони, қаерда ишлайдилар ёки ўқийдилар)?

3. Ҳозирда энг олий орзуингиз нима?

4. Қаерда ўқийсиз ёки ишлайсиз?

5. Сайёрамиздаги қайси воқеа сизни қувонтирмоқда?

6. Ҳозирда жаҳонда юз бераётган қайси фожеа сизни даҳшатга солмоқда?

Машғулот жараёни:

Тингловчи (ўқувчи)ларнинг жуфт-жуфт бўлиб ўтириб олишлари илтимос қилинади ва ватманга ёзилган саволлар билан таништирилади.

1-вазифа. Жуфтликда ўтирган тингловчиларнинг бири интервью олувчи, бири саволларга жавоб берувчи ролларини бажаришларини келишиб олинг.

2-вазифа. Интервью олувчи юқоридаги саволларни беради, уларга жавобларни ёзма тарзда дафтарингизга ёзинг. 5 дақиқадан сўнг роллар алмашилади (интервью олувчи жавоб берувчи, жавоб беручи эса интервью олочи ролига ўтади).

Ўқитувчи: - Ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олдингиз деган умиддаман, қарангки, биз дўстимиз билан ўтирган ўриндик оддий стул эмас, бу “Даврлар стули” экан. Ҳозир стулларимиз ўз кучини кўрсатмоқчи. Қаранглар, биз самога кўтарилдик ва ўтмишга саёҳат қилмоқдамиз. Сайёрамизга кўндик, қаранг - 2002 йил. Барчамизнинг кўринишимиз ёшарганга ўхшайдими?

3- вазифа. Сизларга берилган саволларни “ўтмишда ҳамроҳ” бўлаётган дўстингизга беринг (саволларга жавоб 2002 йилдаги ёшдан келиб чиқиб олинади. Ўқитувчи кузатувчи вазифасини бажарган ҳолда бу жараённи бошқариб боради). 5 дақиқадан сўнг роллар алмашилади. Интервью олувчи

жавоб берувчи ролига ўтади. Ҳар бир тингловчи (ўқувчи) бу жараёнларда турли ролларда иштирок этиб, “даврлараро саёҳатни” ўзи бошидан кечириши керак.

Ўқитувчи: - Мана, ўтмишга, 2002 йилга сайёҳат қилмоқдамиз, стулларимиз эса, яна қаергадир сайёҳат уюштириш ниятида. Яна само узра учмоқдамиз, қандай чиройли. Сайёрмизга қўндик, лекин бу ерларни таниб бўлмаёпти. Ўқувчилар, биз келажакка, 2020 йилга тушиб қолибмиз.

4-вазифа. Саволларни энди келажакка саёҳатни бирга олиб бораётган ҳамроҳингизга беринг. Интервью такрорланади. Сўроқ қилинаётган тингловчи (ўқувчи) худди келажакдагидек саволларга жавоб беради. 5 дақиқадан сўнг роллар алмашилади (интервью олувчи жавоб берувчи ролига ўтади).

Тингловчи (ўқувчи)лар ушбу жараённи бажариш давомида яқин ўтмиш хотиралари ва келажак тасаввурларига шу даражада шўнғиб кетадиларки, интервьюларни беш дақиқада чегаралаш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун беш дақиқа тугагач, ўқитувчи қарсак чалиб уларни бошқариб боради.

Жараён яна ўз давримизга қайтиш билан яқунланади. Ўқувчиларнинг олган таассуротлари умумий хотирада сақланиши учун қисқа муҳокама ўтказилади.

Саволлар:

а) Қайси бир даврга оид (ўтмиш, ҳозирги кун ёки келажак) саволларга жавоб бериш энг қийин бўлди? Нима учун?

б) Интервью жараёнида қандай орзу ва мақсадлар пайдо бўлди?

в) Келажакка нисбатан фикрларингиз ўзгардимиз?

Муҳокама тугагач, агар иштирокчилар ўқувчилар бўлса, касбга йўналтириш мақсадида “Келажакда ўзингизни қайси касб эгаси лавозимида кўрдингиз?”, “Бу касб эгаси бўлишингизда нима сизга туртки берди?”, каби мазмундаги саволларга жавоб ёзиб беришлари сўралади.

## «АЛФАВИТ» МЕТОДИ<sup>7</sup>

А4 форматли қоғозлар аввалдан тайёрланган бўлиб, уларда биттадан харф ёзилган бўлади (қуйида келтирилган).

---

<sup>7</sup> Юнисеф ташкилотининг БДММ лойиҳаси доирасида яратилган манбаларда “Глобоальфавит” номи билан юритилган.

**Аа**

Иштирокчиларга битта ёки хошишга қараб иккитадан варақ тарқатилади.  
Вазифа:

- Қўлингиздаги варақда келтирилган ҳарфдан бошланадиган интерфаол методга оид сўзларни ёзинг (сўзлар сони чекланмаган). Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

- Сўзлар алфавит кетма-кетлигида деворга осилади ва иштирокчилар бири-бирларининг бажарган ишларини кўздан кечирадилар ва кимнинг фикри бўлса, ёки яна янги сўзлар бўлса, тўлдириш имконига эгалар.

(Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблардаги ўзбек тили дарсларида сўзлар лотин алифбосидаги ҳарфлар билан ўзбек тилида ёзилади, бунда ўқувчилар луғат ёки дарсликка қараб ҳам вазифани бажаришлари мумкин).

## **ЭНЕРЖАЙЗЕРЛАР**

Семинар-тренинг ёки дарс, машғулот жараёнида иштирокчиларни бирор мақсад йўлида ёки уларнинг ақлий, жисмоний, рухий фаолликларини ошириш учун қўлланиладиган метод. Бу метод ёрдамида иштирокчиларни кичик гуруҳларга ҳам бўлиш мумкин.

### **«Мевали салат» энержайзери**

Бу энержайзерни ўтказиш учун турли мевалар (олма, нок, анор, мандарин)нинг қалин қоғозга ишланган шакллари 4-5 тадан (иштирокчилар сонига қараб) кесилиб, сават ёки бирон идишга солинади. Иштирокчилар доира шаклида ўтириб оладилар. Саватдаги «мева»лардан бит-тадан танлаб оладилар, лекин бошқа иштирокчиларга кўрсатишлари керак эмас. Тарқатиб бўлингач, вазифа тушунтирилади.

Вазифа: Мен бирон меванинг номини айтаман, қўлингизда шу мева бўлса, бошқа шу меваси бор иштирокчи билан ўрин алмашишингиз зарур бўлади. «Яъни мевали салатимизни аралаштириш жараёни». Агар «Салат» сўзини айтсам, барчангиз жой алмаштиришингиз керак бўлади.

Иштирокчилар ўрин алмаштираётган пайтларида тренер чаққонлик ва эҳтиёткорлик билан стулларни бирма-бир доира атрофидан четга олиб кўйиши зарур бўлади.

Энержайзер сўнгида 5-6 та иштирокчи қолгач, уларни чаққонликлари учун қарсақ чалиб рағбатлантириш мумкин. Бу энержайзердан фойдаланиб, зарурат бўлганида мевалар бўйича гуруҳларга бўлиб олиш ҳам мумкин.

### **«Ким етакчи?» энержайзери**

Иштирокчилар орасидан бир иштирокчи таклиф этилади. Вазифа куйдагича: таклиф этилган иштирокчи хонадан ташқарига бироз вақтга чиқиб туради. Бу вақтда иштирокчилар доира шаклида туриб оладилар ва доира атрофидагилардан бири етакчилик вазифасини ўз зиммасига олиб, қолганларга жисмоний машқлар бажаришни кўрсатиб туради. Қолган иштирокчилар бу машқларни такрорлайдилар (машқлар вақти-вақти билан ўзгариб туради). Бу жараён пайтида хона ташқарисига чиқиб турган иштирокчи чақирилади ва у доира атрофидаги иштирокчиларни кузатиб ораларидаги «етакчини» аниқлаши зарур бўлади. Етакчи аниқланса, етакчи ролини бажарувчи иштирокчи хона ташқарисига чиқиб туради ва иштирокчилар орасидан яна янги етакчи жараёни давом эттиради. Жараён 10 дақиқа давом этади.

### **«Об-хаво» энержайзери**

«Об-хаво»да бўладиган жарёнлар айтилади. Булар, қуёш, шамол, ёмғир, қор. Иштирокчилар ўринларидан туриб олишади ва ушбу қуёш, шамол, ёмғир, қор сўзлари айтилиб, уларга монанд ҳаракатлар ўқитувчи томонидан кўрсатилади. Масалан,

Қуёш сўзи айтилганда қўллар ейилган холда баландга кўтарилади ва оёқ учида турилади.

Шамол сўзи айтилганда қўллар кўтарилади ва чапга, ўнгга ҳаракатга келтирилади. (шамол ҳаракатининг акси қўллар ёрдамида кўрсатилади).

Ёмқир сўзи айтилганда қўллар кўтарилади ва бармоқлар тепага ва пастга ҳаракатланади.

Қор сўзи айтилганда қўлларни кафтлар билан қучоқлаб, совуқ қотган ҳолатни акс эттирилади.

Вазифа. Ўқитувчи шу сўзларни айтиб, ҳаракатларни кўрсатади, иштирокчилар эса, бу ҳаракатларни қайтаришлари керак, аммо бир неча марта такрорлангандан сўнг ўқитувчи уларни чалғитиши мумкин. Лекин иштирокчилар буни тезда англаб, сўзларга мос ҳаракатларни давом эттиришлари лозим.

### **«Илтимос, бундай қилинг!» энержайзери**

Иштирокчилар доира шаклида туриб оладилар. Ўқитувчи уларга «Илтимос бундай қилинг!» дея бирон-бир ҳаракатни таклиф этади. Иштирокчилар бу ҳаракатни қайтаришлари керак. Лекин ўқитувчи «Илтимос» сўзини ишлатмасдан фақат «Бундай қилинг!» дея мурожаат этса, иштирокчилар у тавсия этаётган ҳаракатни бажаришлари керак эмас. Бунда иштирокчилар эътиборларини кучайтиришлари талаб этилади.

## **РЕФЛЕКСИЯ МАШҚЛАРИ**

Рефлексия-(reflection) англиз тилидан олинган сўз бўлиб, акс эттирмак, тасвирламоқ маъноларини англатади. Рефлексия олдинроқ бўлиб ўтган воқеа, жараён ёки вазиятларни акс эттириш, ёдга олиш учун қўлланилади. Асосан яна бир бор ёдга олиб хотирада сақлаб қолиш мақсадида семинар-тренинг, дарс, конференция, мажлис якунида ёки эртанги кун бошида қўлланилади.

### **«Бутерброд» рефлексия машқи**

Кўз ўнгимизга бутербродни келтирамиз. Бунда иккита нон бўлаги орасида гўштли котлет бўлаги бўлади. Котлетсиз бутербродимиз куруқ бўлиб қолади. Шундай экан, вазифа қуйидагича: бугунги кун (ёки кечаги кун) якуни бўйича сиз учун фойдали бўлган иккита маълумот орасига битта йўл қўйган камчилигингизни айтиб, буларни «ҳазм» қиламиз. Яъни, икки нон бўлаги орасига бир дона котлет- (ўхшатиш тарзида) қўямиз, буни қўллар харакати орқали акс эттириш ҳам мумкин.

### **«Гапни тўлдириш!» рефлексия машқи**

1. Мен бугунги дарсдан менга керакли бўлган ..... маълумотни олдим.
2. Кечаги дарсдан мен учун фойдали бўлган маълумотлар, булар.....
3. Дарсда менга янгилик бўлган маълумот бу ..... ва такрор бўлган маълумот бу.....

### **«Кечаги кунни тасвирланг!» рефлексия машқи**

Иштрокчиларга ўтган машғулотни эслаб, тасвирлаб бериш, яъни дафтарларига ўтган машғулотни тасвирлаб расм чизишни таклиф қилинади. Бунда бирон-бир белгилар, шакллар ёки расмлар орқали тасвирлаб бериш мумкин.

### **«Пантомима» рефлексия машқи**

Иштрокчилар гуруҳларга бўлинади. Вазифани эса, ўтган машғулотни овоз чиқармасда пантомима кўринишида кўрсатиб беринг, деб айтилади. Гуруҳлар ишларини режалаштириб олишлари учун 3-5 дақиқа вақт берилади. Такдимотда гуруҳнинг барча иштирокчилари қатнашишлари шарт ва овоз чиқармасдан ўтган машғулот пантомимасини кўрсатиб берадилар.

## ХУЛОСА

Таълим жараёнидан қўйилаётган асосий олий мақсад, белгиланган натижага эришиш ва таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш. Бунда турли замонавий, илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар билан бир қаторда интерфаол методлардан фойдаланиш ўзининг бир қанча ижобий хусусиятларига кўра мақсадга мувофиқ эканлиги маълум эканлиги тажрибалар асосида исботланди. Жумладан, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва улранинг малакасини ошириш жараёнларида юқоридаги интерфаол методлардан самарали фойдаланиш натижасида педагогик мақсадга эришилгани илмий-тадқиқот ишларимизда ўз ижобий натижасини берди.

Бунда педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этиш:

- *биринчидан*, ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни, фаолликни;

- *иккинчидан*, тингловчиларнинг мустақил ўқиб билим орттиришларини;

- *учинчидан*, тингловчиларда услубий “қутича”ларига турли янги методларни олишларини;

- *тўртинчидан*, педагог тингловчилар ўз тажрибалари билан самарали бўлишишларини;

- *бешинчидан*, тингловчиларда янги маълумотларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради.

Бундай интерфаол таълим жараёни тингловчиларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишнинг оритиши ҳамда курсдан кейинги даврда узлуксиз малака ошириш фаолиятларини ривожлантириш орқали таълим сифатини яхшилаш ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, барча фан ўқитувчиларида интерфаол методлардан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, ўқувчиларнинг турли фанларни ўзлаштириш ва ўрганишидаги таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчиларнинг интерфаол методлардан самарали ҳамда ҳар бир дарс мазмунига мувофиқ фойдалана олиш кўникмаларини пухта эгаллашлари ҳар бир ўқув машғуло-тининг ўзига хос (оригинал), қизиқарли ва самарали бўлишига олиб келади.

Малака ошириш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш тингловчиларда таълимий фаолликни юзага келтириб, уларнинг оддий тингловчи ёки ахборотларни қабул қилувчи бўлиб қолишига йўл қўймай, балки фаол субъект сифатида билимларни пухта ва тезкор ўзлаштиришларига ёрдам беради. Шу муносабат билан малака ошириш курсларида машғулот олиб борувчи профессор-ўқитувчиларни интерфаол методлардан самарали фойдалана олишга ҳамда машғулотларни ижодий ёндашув асосида ташкил эта олишга пухта ўргатиш долзарб масала ҳисобланади.

Таълим жараёни сифати ва самарадорлигини ошириб бориш муайян омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида тегишлича илмий-методик



янгиликлар, илғор педагогик тех-нологиялар, интерфаол таълим методлари, илғор педагогик тажрибалар тўғрисидаги ахборот таъминоти ҳамда шу ахборотнинг янгилиги, сўнги илмий хулосаларга асослан-ганлиги катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, ушбу қўлланма ўз мавзуси бўйича таълим соҳаси ходимлари, бўлғуси ўқитувчилар, малака ошириш, қайта тайёрлаш институтлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, амалиётчи педагоглар, шунингдек, талабалар учун зарур илмий-методик манба бўлиб хизмат қилади, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини модернизациялашга маълум ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

## ГЛОССАРИЙ

**Интерфаол** – (инглизча – interaktive бўлиб, бунда inter – ўзаро, aktive – фаол ҳаракат, фаоллик, таъсирчанлик) ўзаро фаоллик, биргаликдаги фаол ҳаракат маъноларини билдиради, (русча - интерактив).

**Интерфаол жараён** - бир нечта кишиларнинг ўзаро фаол ахборот алмашуви.

**Интерфаол таълим** – ўқитувчи ва тингловчи (ўқувчи, талаба) таълим методлар, шакллар, воситалардан муайян шароитда, маълум кетма-кетликда фойдаланиш ва шу жараёнда ўзаро фаолликни вужудга келтириб билим, кўникма, малакани ҳосил бўлиши ва ривожланиши.

**Интерфаол таълим модели** – таълим беришнинг интерфаол моделидан иборат бўлиб, бунда ўқитувчи синф-даги барча таълим олувчилар билан ҳамда таълим олувчиларнинг ҳар бири ўқитувчи билан ва шу билан бирга, бошқа таълим олувчилар билан ҳам дарс жараёнида ўзаро фаол муносабатда бўладилар.

**Интерфаол методлар** – таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи ва тингловчи (ўқувчи, талаба) ўртасида олдиндан белгиланган мақсадларга ўзаро фаол коммуникатив, ахборот алмашинуви ёрдамида эришиладиган жараён тафсилоти.

**Интерфаоллик** – ўзаро (ўқитувчи-ўқувчи, талаба, тингловчи- АКТ ) фаол ахборот алмашинуви жараёни.

**Интерфаол технология** – ўзаро фаол таълим технологияси жараёни, масалан, назарий ёки амалий ўқув машғулотларининг маълум технологик босқичларида шу жараён иштирокчиларининг ўзаро фаол иштирокларини таъминлашга қаратилган таълим технологияси.

**Интерфаол машғулот** – маълум бир жараёнда кечадиган, олдиндан белгиланган мақсадларга ўқитуви ва тингловчи (ўқувчи, талаба) орасидаги ўзаро фаол жараённи ташкил этиш орқали эришиш.

**Интерфаол воситалар** – барча таълим-тарбия восита-лари (масалан, АКТ, дидактик кўргазмалар, тарқатмалар, ўйинчоқлар, копток...).

**Андрогогик интерфаол таълим жараёни** – катталар таълими жараёнида ўқитувчи ва тингловчининг ўзаро фаол ахборот алмашинуви.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Капранова Е. А. Интерактивное обучение: концептуальные подходы // Вестник. Полоцкого государственного университета. - 2012. - № 7
2. Иванова О.В. Проектирование интерактивной визуальной системы обучения инженерной и компьютерной графике // Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Междунар. заочной научно-практ. конф., 20 ноября 2010 г. / НИИ педагогики и психологии; редкол.: М.В. Волкова [и др.]. – Чебоксары, 2010. – С. 136-142.
3. Можар Е. Н. Стимулирование учебно-познавательной активности старшеклассников средствами интерактивного обучения: дисс. канд. пед. наук: 13.00.02.- Минск, 2006. - 218 с.
4. Полат Е. С., Бухаркина М. Ю., Моисеева М. В., Петров А. К. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебн. пос. / /Под ред. Е. С. Полат. — М.: Издательский центр "Академия", 1999. — 224 с.
5. Кинилев В. Использование информационных и коммуникативных технологий в среднем образовании. Информационный меморандум / В. Кинилев, Пит Коммерс, Б. Коцик. - Москва.: Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании, 2005. - 240 с. -13 с.
6. О.Хасанбоева, Ж.Хасанбоев, Ҳ.Ҳомидов. Педагогика тарихи. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004-312 б.
7. Хидоятова Д.А. Ўзбек тилини русийзабон ўқувчиларга ўргатишнинг самарали интерфаол усуллари// Мактаб ва ҳаёт. –Тошкент, 2007. -№ 3. - Б. 18-19.
8. Хидоятова Д.А. Малака ошириш жараёнида интерфаол усуллар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Услубий қўлланма. – Тошкент: Фан ва технология, 2007. - 48б.
9. Хидоятова Д.А. “Интерфаол методлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш” мавзусидаги семинар-тренинг ўтказиш бўйича услубий тавсиялар (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари учун). Услубий қўлланма. –Тошкент: Фан ва технология, 2009. - 32б.
10. Хидоятова Д.А. Малака ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланиш// Таълим муаммолари. –Тошкент, 2009. - № 1 – Б. 46-47.
11. Хидоятова Д.А. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнининг сифати ҳамда самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш// Халқ таълими. –Тошкент, 2009. -№ 6. – Б. 116-119.
12. Хидоятова Д.А. Формирование у учителя умений и навыков использования интерактивных методов обучения //Педагогические науки. – Москва, 2011.-№ 6.-С.243-250.

13. Хидоятова Д.А. Формирование у учителя умений и навыков использования интерактивных методов обучения (в условиях повышения квалификации)//Высш. образование сегодня. – 2011. - №11. – С. 59 – 63.

14. Хидоятова Д.А. Профессиональная подготовка и индивидуальное повышение квалификации в условиях современного рынка труда//Малака ошириш тизими-баркамол шахсни шакллантиришда оила ва узлуксиз таълим тизими ҳамкорлигини таъминловчи ҳамда таълим сифатини оширувчи ижтимоий институт сифатида. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2012. - Б. 299-300.

15. Хидоятова Д.А. Малака ошириш жараёнини самарали олиб боришда инновацион ёндашув.// “Халқ таълими педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълими смарадорлигини оширишда педагогик инновациялар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. . -Тошкент. 2013. - Б. 110-111.

16. Хидоятова Д.А. Чет тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланиш шартлари.// Научно-практический конференция на тему “Наука, образование и производство в обеспечении устойчивого развития инновационной экономики” – Ташкент, 2014 – С.166-170.

17. Хидоятова Д.А. Роль интерактивного метода обучения в процессе повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров.//“Мустақиллик йилларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш: эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифалар” - Тошкент, 2014-17 июнь, - Б.277-280

18. Хидоятова Д.А. Использование интерактивных методов и их взаимодействия в учебно-воспитательном процессе.// “Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари (4-китоб) – Т., 2014 й. 12-13-ноябрь.-Б. 172-175

19. Хидоятова Д.А. Педагогические аспекты интерактивного процесса развития личностной компетенции учащегося.// Научно-практический конференция на тему “Конституция Республики Узбекистана-образование и воспитание молодежи” – Ташкент, 2014 – С.170-174.

20. Хидоятова Д.А.Малака ошириш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш. Монография. – Тошкент: «Абу матбуот-консалт», 2014- 196 б.

21. Хидоятова Д.А.Малака ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол усуллар.// Халқ таълими. – Тошкент, 2014. -№ 1. –Б 101-106

22. Хидоятова Д.А. “Теоретические и практические аспекты интерактивного обучения в развитии компетенции учащегося”.//Сборник «XVIII Международной научно-практической конференции «Обучение и

воспитание: методика и практика 2014/2015 учебного года» 13 февраля-Россия, г. Новосибирск. 2015 г.

23. Khidoyatova D.A. Theoretical and practical aspects of interactive training in development of competence of the pupil. // Сборник "2nd International scientific-practical conference «Innovations in science, technology and the integration of knowledge» 27 February — 2 March 2015" – London. 2015- p.160-165.

24. Хидоятова Д.А. Ўқувчи компетенциясини ривожлантиришда интерфаол таълимнинг назарий-амалий жиҳатлари .//Халқ таълими. – Тошкент, 2015. -№ 1. –Б.101-106

## **МУНДАРИЖА**

- 1. Сўз боши**
- 2. Интерфаол таълим тарихидан**
- 3. Марказий Осиёда таълим методларининг ривожланиши тарихидан**
- 4. Малака ошириш жараёнида интерфаол таълим моделлари**
- 5. Интерфаол таълимда коммуникация усуллари**
- 6. Интерфаол машғулоти ташкил қилиш**
- 7. Интерфаол таълимда ўқитувчини роли**
- 8. Интерфаол методлардан фойдаланиш**
- 9. “4 томон” методи**
- 10. Дарахт методи**
- 11. Қадамма-қадам (Step by step) методи**
- 12. “Ўқув шартномаси” методи**
- 13. Коллаж методи**
- 14. Ишбилармонлар ўйини методи**
- 15. Ролли ўйин методи**
- 16. “Расмни қайтариб чиз” методи**
- 17. “Расмлар орасидаги боғлиқлик” методи**
- 18. Даврлар стули методи**
- 19. Алфавит методи**
- 20. Энерджайзерлар**
- 21. Рефлексия машқлари**
- 22. Хулоса**
- 23. Глоссарий**
- 24. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

